O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№ E 11299

Ўзбекистон АДАБИЁТИ ва САНЪАТИ

ÖZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

1999 йил

ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА

1956 йил 4 январдан нашр этила бошлаган

• 12 ноябр, №46 (3532) •

Ўзбекистон — Хитой:
МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 8-10 ноябр кунлари давлат ташрифи билан Хитой Халқ Республикасида бўлди. Ана шу сафар олдидан юртбошимиз оммавий ахборот воситалари ходимларига берган интервюсида ўзаро манфаатли алоқаларни ўрнатишда, мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланишда транспорт, яъни коммуникация масаласини тезроқ ҳал қилиш лозимлигига алоҳида эътибор қаратган эди. Маълумки, қадим Буюк Ипак йўлида жойлашган Ўзбекистон ва Хитой Ғарб ва Шарқни боғловчи ана шу улуғ йўлга янги ҳаёт бахш этишдан ҳар жиҳатдан манфаатдордир. Шу муносабат билан Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг қадим Ипак йўлини қайта тиклаш юзасидан ташаббуслари дунёдаги жуда кўплаб мамлакатлар томонидан қўллаб-қувватланган. Бу муҳим йўлда автомобил ва темирйўллар тармоғини барпо этишга йирик-йирик хорижий сармояларни жалб этиш кўзда тутиляпти. Агар биз бу йўл янгидан барпо этилганидан сўнг жанубий денгизларга чиқиш имконига эга бўлсак, Хитой ҳам ўз навбатида Марказий Осиё, Кавказ, Европа мамлакатлари, Форс кўрфази билан энг қисқа йўллар орқали боғланади.

Ташриф мобайнидаги мулоқотлар чоғида икки томонлама алоқаларни янги босқичга олиб чиқишнинг ёрқин истиқболлари юзасидан муҳим келишувларга эришилди. Машинасозлик, автомобилсозлик, самолётсозлик, агротехника, қурилиш, телекоммуникация соҳалари, кимё ва енгил саноатнинг асосий тармоқларда иқтисодий ҳамкорлик учун катта имкониятлар мавжуд. Масалан, Ўзбекистоннинг ИЛ-76 русумли самолётларига, шунингдек, «Нексия» машиналаримизга Хитойда эҳтиёж ҳам, эътибор ҳам йил сайин ошиб бормоқда. Уларнинг савдо-сотиғини ўзаро манфаатлар асосида мувофиқлаштириш ҳар икки томон учун ўзаро олди-бердиларни равнақ топтиришда беқиёс имкониятлар очади. Айни пайтда Хитойда ишлаб чиқарилаётган минитракторларга бизнинг мамлакатимизда ҳам эҳтиёж кучли. Бундай тракторлар мамлакатимизнинг деҳқончилик хўжаликларида синовдан яхши ўтди. Бу соҳадаги ҳамкорликни ривожлантириш учун Хитой ҳукумати 100 миллион юан ажратишга қарор қилди. Ташрифнинг самарали жиҳатларидан бири ҳам Хитой тракторларининг Ўзбекистонда ишлаб чиқарилишига келишилганлиги деб айтиш мумкин.

Ўзбекистон ва Хитой ўртасида иқтисодий соҳалардаги ҳамкорлик билан бирга фан, маданият, санъат, тарих соҳаларида ҳам самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш учун катта имкониятлар мавжуд. Бу борада янгидан юз очаётган қадим Ипак йўли ҳар икки мамлакатнинг ишга солинмаган имкониятларини рўёбга чиқариши мумкин.

Президент Ислом Каримовнинг ХХРга давлат ташрифи чоғида икки томонлама алоқаларнинг қамровларини янада кенгайтириш ва ривожлантириш сари қўйилган қадамлар мустақил тараққиётимиз манзараларига янги мазмун ва моҳият бахш этади.

Мангу лаҳза

ЭЗГУЛИК ЙЎЛИДА

1939 йили арман халқи «Довуд Сосунли» эпоси яратилганлигининг минг йиллигини жаҳон маданияти тарихида биринчи бўлиб миллий байрам тарзида нишонлаган. Шу воқеадан хийла олдин, 1938 йили руслар «Игорь жангномаси»нинг, 1937 йилнинг декабрида эса грузин халқи «Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон»нинг 750 йиллигини тантана қилишган. Бундай миллий адабий байрамларга ўша йиллари Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раҳбарияти ҳам катта эътибор берган. Шу ниятда Шота Руставели муаллифи ҳисобланган буюк асарнинг 750 йиллигини Тошкентда ҳам катта тантана билан нишонлаш лозим, топилган

1938 йилнинг 25 январидан 10 февралига қадар, яъни икки ҳафта давомида Тошкентда турли адабий кечалар, кўргазмалар, илмий семинарлар ўтказилди. Шаҳарнинг Дачная деб аталган катта кўчаларидан бирига Шота Руставели номи берилган. Х. Қурбонов, С. Ҳусайн ва Н. Охундий таржимасида «Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон» достонининг қисқартирилган нашри эълон қилинди. Ушбу асар ва унинг муаллифига бағишланган талайгина мақолалар чоп этилди. Хуллас, кўзга кўринган барча олим ва ёзувчилар ушбу адабиёт байрамининг юксак савияда ўтишига баҳоли қудрат ҳисса қўшдилар.

Шундай таниқли шоир ва олимлар орасида Миртемир билан Амин Умарий ҳам бор эди. Гарчанд «Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон»нинг ўзбекча нашри юбилей кунларида босилиб чиққан бўлсада, улар республика газеталари учун ўлмас достоннинг янги бобларини таржима қилдилар. Бу ҳол уларнинг «ўзбошимчаликлари» туфайли эмас, балки бояги таржима сифатининг кўнгилдагидек эмаслиги билан юз берди.

Амин Умарий 1937 йили Ёзувчилар уюшмасига қабул қилингач, Самарқанддан Тошкентга кўчиб келиб, ҳозирда Низомий номи билан аталаётган Педагогика университетида, шунингдек, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳамда «Гулистон» журналлари таҳририятида хизмат қилди. У мазкур хизмат жойларида домлалик ва ноширлик фаолияти билан банд бўлганига қарамай, жўшиб ижод этди. Унинг равон ва дилрабо шеърлари нафақат шеърият шинаванда-лари, балки мунаққидларга ҳам манзур бўлди. Қалами кундан-кунга чархланиб бораётган шоир таржима асарларини ўзбек тилига завқшавқ билан ўгирди. Унинг «Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон»дан қилган таржималари ҳам адабий жамоатчиликнинг диққат-эътиборини қозонди.

Амин Умарий нафақат истеъдодли шоир, айни пайтда дилбар инсон ҳам эди. Мумтоз ва замонавий ўзбек адабиётини, шеърий санъат сирларини яхши билган шоирнинг ҳурмат ва обрўси катта бўлган. Миртемир аввало унинг гўзал инсон, сўнг эса истеъдодли шоир ва таржимон бўлганлиги учун у билан ҳамкорликда «Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон»ни таржима қилишга ўзида рағбат сезган. Афсуски, кўп ўтмай иккинчи жаҳон урушининг бошланиши, айниқса, Амин Умарийнинг 1942 йили Бекобод металлургия заводи қурилишида юқумли касалликка чалиниб, шу касалликдан вафот этиши билан уларнинг Ш. Руставели достонининг ўзбек тилига тўла таржима қилиш нияти рўёбга чиқмади. Айни пайтда бевақт ўлим Амин Умарийга шеъриятнинг баланд чўққиларини забт этиши ва истеъдодининг кенг қанот ёзишига имкон бермади.

Аммо ўзбек шеъриятининг бугунги камолотида унинг ҳам улуши йўқ эмас. У нафис лиризм билан тўла, самимий туйғулар чаппор урган, ёқимли мусиқий оҳангларга бой шеърлари билан ўзбек шеъриятининг юксалишига ўз ҳиссасини қўшган.

Эзгулик «қонунлари» асосида яшаган Амин Умарийнинг номи унут бўлмаслиги лозим.

Наим КАРИМОВ

МАНГУБЕРДИ БОШИДА ПОРЛАГАН ЮЛДУЗ...

Байрам ўйлари

Миллат, мамлакат ҳаётидаги катта тўй-тантаналарнинг моҳияти теран бўлади. Мустақиллик йилларида, шукрлар бўлсинким, тарихимиз ва маънавиятимизнинг улуғ даҳолари ҳаёти ва ижодига бағишланган анжуманлар, байрамларнинг шоҳиди бўлиб турибмиз.

Саркарда Амир Темур, Баҳоуддин Нақшбанд, Улуғбек, Имом ал-Бухорий, Аҳмад ал-Фарғоний каби бобокалонларимизнинг тўйлари, муболағасиз айтиш керакки, умумхалқ байрамига айланиб кетди, дунёнинг ҳаваси ва шоҳидлигида ўтди. Шу маъракалар баҳона. юртимизга қанчадан қанча меҳмонлар келишди, олиму фузалолар ташриф буюришди. Ўзбекистон аввалари қандай эдию бугун қандай, эртаси қандай бўлади, бу муқаддас тупроқда яшаётган инсонларнинг ўй-хаёллари, орзу-умидлари қанақа, истиқлол уларга нима берди — буларнинг ҳаммасини ўз кўзлари билан кўришди. Энг муҳими, ўтказилган илмий анжуманларда, баҳс-мунозараларда ғарблик машҳур олимлар, мутахассислар қадим тарихимиз, маданий ва маънавий меросимизга доир кўплаб қимматли маълумотларни баён қилишди. Ҳали бизнинг олимларимиз нигоҳи тушмаган ноёб манбалар, бошқа мамлакатларнинг кутубхоналарида сақланаётган қўлёзмалар тўғрисида ахборотлар беришди.

Қадим Туронзаминдан чиққан не-не алломаларнинг асарлари Ғарбдаги нуфузли илм масканларида то ҳозирга қадар ўқиб-ўрганилаётгани, буюк ватандошларимиз ижоди Ғарб олами маънавий тараққиётига жуда катта ҳисса қўшгани тўғрисидаги эътирофларни эшитиш биз учун нақадар фахрли.

Тўй-маъракалар мамлакат миқёсида шунинг учун ҳам ўтказиладики, улар миллатнинг руҳини тетиклаштиради, ўзлигини англаш ҳиссини оширади, шу улуғ алломаларга бешик бўлган юртнинг номини олам кенгликларига олиб чиқади. Бундай тўйлар мамлакат, миллат олдида турган бугунги, эртанги вазифаларни аниқлаб олишга, ёшларни шу эзгу вазифалар ижросига даъват этишга имкон беради. Ва, ниҳоят, бундай тадбирлар киши қалбида шу миллат, шу азиз тупроққа мансубликдан фахрланиш, ғурурланиш туйғусини янада жўштиради.

Ўтган ҳафта адоғида Хоразм ва Сурхондарё вилоятларида бўлиб ўтган тантаналар фикримизнинг далилидир. Ҳар икки тўйга юртбошимизнинг боришлари, нуроний кексалар, ёшлар, турли касб эгалари билан самимий суҳбатлашганлари, кўнгли очиқ, бағри кенг, ҳалол ва пок инсонлар меҳнатига берилган юксак баҳо одамлар қалбида фахр туйғуларини уйғотди. Юртбоши ўз нутқида Жалолиддин Мангуберди ҳаётини таҳлил этишга, ўша тарихий воқеаларга бугунги кўз билан қарашдан англашиладиган хулосаларга алоҳида эътибор берди.

Биринчи хулоса - ҳаёт бор экан, давлат, эл-юрт бор экан, тинч-тотувликни кўра олмайдиган, ҳасад ва фитна билан яшайдиган, зўравонлик билан ўз ҳукмронлигини ўрнатишга, халқ оромини бузишга уринадиган ёвуз кучлар ҳамиша бўлган ва бўлади. **Иккинчи хулоса** — ҳаёт бор экан, давлат, эл-юрт бор экан, ўзинг туғилиб ўсган, ота-боболаринг ҳоки ётган, эртага фарзандларинг камол топадиган тупроқнинг ҳар қаричини муқаддас билиб, унинг ҳимоясига шай туриш лозим. **Учинчи аччиқ хулоса** — ҳар қайси юрт, ҳар қайси эл четдан келадиган ёвуз офатдан кўра ўз ичидан чиқадиган сотқин, иймонсиз, ўз манфаатини ҳамма нарсадан устун қўядиган, сот деса яқин кишиларини ҳам сотишдан тоймайдиган, Ватанига, миллатига қўл кўтарадиган қабиҳ кимсалардан эҳтиёт бўлиши керак.

Бу сўзлар бугун ҳар биримизнинг кўнглимизда бўладиган, идрокимизга нақшланадиган сўзлардир. Жалолиддин Мангуберди яшаган даврдан то ҳозирга қадар, айтиш керакки, энг сўнгги дақиқаларгача бу уч хулосага амал қилмаслик қандай оқибатларга олиб келишини ҳаётнинг ўзи аччиқ мисолларда кўрсатиб турибди. **Миллат қачон миллат бўлади — ўзлигини таниса, Ватан қачон Ватан бўлади — ўзини ўзи ҳимоя қила олса, мамлакат қачон обод бўлади — одамлар шу юртни, шу Ватанни деб ёниб яшасалар, Ватан учун жонни фидо қилишга қодир турсалар.**

Бугун мамлакатимизда, унинг ён-атрофларида кечаётган воқеа-ҳодисаларни биз ҳам, жаҳон жамоатчилиги ҳам кўриб, кузатиб турибди. Буни, айниқса, сурхондарёликлар яхши англайдилар. Президент Термиздаги тантаналар чоғи сўзлаган нутқида **«Алпомиш» тўйининг Термиз шаҳрида ўтаётганида мен яна бир рамзий маъно кўраман, — деди. — Қачонки ўлкамизга жануб тарафдан ёв ҳамла қилган бўлса, Термиз унинг қаршисида метиндек кўрғон бўлиб келган. Термиз бугун ҳам она юртимизнинг жанубий сарҳадларида мустаҳкам қалъа бўлиб турибди. Мана шу чегара ҳудудларида кўксини қалқон қилиб табиатан оғир-вазмин, аммо Ватан бошига синов тушса, жон фидо этишга ҳам тайёр ориятли халқ яшайди. Бу довюрак ва ўктам халқнинг — Сурхон аҳлининг юрагида Алпомиш каби паҳлавонлардан мерос қолган шижоат яшайди. Бу юртда дунёнинг кураш майдонларида кураги ерга тегмасдан зафар қозониб, ўзбек номини бутун оламга тараннум этаётган юзлаб полвонлар яшайди. Ишончим комилки, бундай қудрат соҳиби бўлган халқни ҳеч қандай ёвуз куч енга олмайди».**

Юртбошимизнинг нутқлари чоғи, Урганчда ҳам, Термизда ҳам, мен одамларнинг мамнун чеҳраларига разм солдим. Бу икки шаҳар кўчаларини айланиб, эски қадрдонлар, ҳамкасблар, мутлақо нотаниш, аммо пойтахтдан тўйга келган меҳмонларни бағрига босаётган, бир-бирларини самимий қутлаётган оддий одамлар билан суҳбатлашдим. **«Бизга бугун битта эмас, ўнта эмас, минглаб Мангубердилар, Алпомишлар керак»** деди ҳамкасбим Муҳаммаджон Азимов. **«Агар биз Мангубердини танимасак, Мангуберди каби миллатнинг фидойи ўғлонларидан ибрат олмасак, «Алпомиш»ни ўқиб, бирлашиш, фақат бирлашиш зарурлигини англамасак истиқлол иноятларини ҳимоя қила олмаймиз»** деди Ошиқ Эркин. Тарихимиз саҳифаларини номдор тарихчи олимлардан кам билмайдиган Маркс Жуманиёзов Жалолиддин Мангуберди ва Темур Малик ўртасидаги садоқатли дўстликдан ибратли ҳикоялар сўйлаб берди. Урганчда, оқшомги тантаналар айни авжига чиққанида, раққосалар саҳнада чир айланиб Хоразм рақс мактабининг битмас-туганмас имкониятларини намойиш этаётганларида... кўкда Зуҳро юлдузи кўринди. Бахтли тасодифми, қурувчиларнинг аниқ-ҳисоб-китобларими ё мозийнинг ўлмас ҳақиқатими, билмадим, аммо Зуҳро юлдузи Жалолиддин Мангубердига ўрнатилган улкан ҳайкалнинг бошида чарақлаб турарди. Маркс оға ҳикоя қилишда давом этиб, **«Хоразмнинг булбул қўшиқчиси Ҳожихон Болтаевни дафн этаётганимизда битта булбул учиб келиб, қабристон четидаги дарахтга кўнган ва тинимсиз сайраб турган, — деди. — Булбул ҳам Мангуберди бошида Зуҳро юлдузининг чарақлаши ҳам бежиз эмас, бу ерда чуқур мантиқ бор».**

Бу гапга ҳамма қўшилди. Термизда юртбошимиз кураш бўйича жаҳон чемпиони Тоштемир полвонни оталарча меҳр билан қутлаб турганларида ёнимда ўтириб «Алпомиш» достонининг 1000 йиллигига бағишланган саҳна дастурини томоша қилаётган бастакор Рустам Абдуллаев ҳаяжон билан: **«Бизга бугун мана шундай полвонлар керак, бу жойларга болаларни олиб келиш керак, ота-боболари ким бўлганлигини, юрти, миллати, қадр-қиммати учун қандай курашганлигини мурғак қалбларига жо қилиш керак»** деди.

Бу гап минтақавий танглик нафасини ҳамиша ҳис этиб турадиган Термизда айтилди. Аммо у бутун Ўзбекистонга, мамлакатимизнинг ҳамма ҳудудларига ҳам тааллуқлидир.

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

«ИСТИҚЛОЛ — МАЪНАВИЯТ НЕГИЗИ»

«Мен турли халқлар номларининг мазмунини билишга ҳаракат қилдим. Бироқ буларнинг маъноси жуда содда ёки умуман, бирор нарсани англатмас экан. Ҳатто ўз номларининг мазмунини аниқ билмайдиган халқлар ҳам бор экан. Бизнинг ўзбек номимиз эса ўзининг лўндалиги, ихчамлиги ва катта сиёсий маънога эгалиги билан киши эътиборини тортади. Зеро, ўзбек атамаси ўз-ўзига бек, яъни мустақил деган маънони англатади». Улкан қалб ҳарорати ва теран миллий ғурур билан йўғрилган мазкур фикрлар таниқли олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, тарих фанлари доктори, профессор Ҳамид Зиёевга тегишли. Яқинда «Маънавият» нашриёти Ҳамид Зиёевнинг «Истиқлол — маънавият негизи» номли илмий-оммабоп мақолалар тўпламини беш минг нусхада нашрдан чиқди. Мазкур мақолалар муаллифнинг кейинги олтиетти йил мобайнида вақтли матбуотда эълон қилинган асарларидан сараланган. Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётининг бир қанча соҳалари қамраб олинган мақолаларда, албатта, тарихий мавзу етакчилик қилади.

Хусусан, китобдаги «Оламшумул аҳамиятга молик тарихий воқеа» мақоласида Ватанимиз мустақиллиги шарофати туфайли юзага келган сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий шарт-шароит ҳақида фикр юритилса, «Истиқлол учун бирлашайлик» мақоласида собиқ шўролар замонида халқимиз бошига тушган азоб-уқубатлар батафсил ҳикоя қилинади. Тўпламдаги бу каби мақолалар китобхонни Истиқлолнинг туб моҳиятини англаб етишга, Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашга онгли равишда фаол киришишга даъват этади.

Шунингдек, яқин ўтмишни тушуниб туриб рад этиш, жумладан, собиқ коммунистик партия сиёсатининг моҳиятини билишда олимнинг мазкур тўпламдаги «Истиқлол учун бирлашайлик» сарлавҳали мақоласи катта ижтимоий-маърифий аҳамиятга эгадир. Дарвоқе, бу мақоланинг 1991 йили, Ўзбекистон мустақил деб эълон қилинганидан кейин икки-уч ой ўтар-ўтмас «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида эълон қилингани ва унда: **«Келинг азизлар, сиёсий, иқтисодий, маданий масалаларимизни ҳал этишда президент атрофига метиндек жипслашайлик. Тарих бизга кулиб боққан асрий лаҳзалардаги мингдан бир имконни қўлдан бой бериб қўймайлик»,** дея энг зарур пайтда айтилган дадил даъват ҳам олим хизматларининг тарихий аҳамиятидан далолатдир.

Китобдаги «Буюк ҳаётий ғоя», «Туркистон умуммуқаддас ватандир», «Марказий Осиё истиқболи», «Тарихий синовдан ўтган тизим», каби мақолалар Президент Ислом Каримовнинг «Туркистон умумий уйимиз» ғоясининг тарихий асосларини батафсил ёритишга бағишланган. Миллий мафкурамизнинг шаклланиш жараёнлари, умуман, мафкуранинг жамият ижтимоий ҳаётида тутган ўрни ва аҳамияти тўпламдан ўрин олган «Амир Темур давлатининг мафкураси», «Миллий мафкура жамиятнинг қон томири» мақолаларида теран ёритилган.

Тарихчи олим Ҳамид Зиёевнинг «Истиқлол — маънавият негизи» китоби мустақиллигимиз ва озодлигимизнинг туб тарихий илдизларини билиб олишда, истиқлол моҳияти ва йўналишини, мамлакатимизда изчил олиб борилаётган ислоҳот ва туб ўзгаришлар моҳиятини англаб етишда кенг китобхонлар оммаси учун улкан маърифий аҳамиятга моликдир.

Нашр масъул муҳаррири тарих фанлари доктори, профессор Ғ. Аҳмаджонов. Махсус муҳаррир филология фанлари номзоди Ш. Ризаев.

«НАВРЎЗ» ҚЎШИҚЛАРИ
ТАНЛОВИГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси, «Ўзбекнаво» гастрол-концерт бирлашмаси ва «Наврўз» халқаро хайрия жамғармаси миллий қадриятларимиз, халқимизнинг кўп асрлик урф-одатлари, удумларини тарғиб этиш, бу қадимий миллий байрам ҳақидаги қўшиқларнинг ғоявий-бадиий савиясини янада юксалтириш, шу асосда «Наврўз» умумхалқ байрами тантаналарининг бадиий-мусиқавий даражасини ошириш, қадимий халқ қўшиқлари ва миллий эстрада санъати анъаналарини ривожлантириш ва оммалаштириш мақсадида «Наврўз» байрамига бағишланган қўшиқлар танловини эълон қилади.

Танловда қўшиқчи-шоир ёки бастакор сифатида фаолият кўрсатаётган барча ижодкорлар ўзларининг янги яратган асарлари билан қатнашишлари мумкин.

Танлов ғолиблари қуйидаги мукофотлар билан тақдирланадилар:

— 1 та биринчи мукофот — 100000 сўм.

— 3 та иккинчи мукофот, ҳар бири — 75000 сўмдан.

— 3 та учинчи мукофот, ҳар бири — 50000 сўмдан.

— 10 та рағбатлантирувчи мукофот, ҳар бири — 30000 сўмдан.

Танлов ғолибларини мукофотлаш маросими ва улар ижросидаги якуний концерт 2000 йил 15 январда «Туркистон» саройида бўлиб ўтади.

Танловда ғолиб чиққан қўшиқлар «Наврўз» умумхалқ байрами тантаналарида ижро этиш учун тавсия қилинади.

Мусиқа асарлари (қўшиқ матни, нотаси, (клавир ва фонограмма) танлов эълон қилинган кундан бошлаб 2000 йил 5 январгача қуйидаги манзилга жўнатилади:

Тошкент, 700000, Я.Ғуломов кўчаси, 69-уй. Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси. Тел: 133-08-67; 133-20-28.

Ўзбекистон АДАБИЁТИ ва САНЪАТИ
ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА
4-бет

Иброҳим ҒАФУРОВ,
«Миллий тикланиш» демократик партияси раиси

ЗИЁЛИ — ҲАРАКАТДАГИ ОДАМ

Иброҳим Ғафуров 1937 йил 27 декабрда Тошкент шаҳрида туғилди. Ўрта мактабни битиргач, 1956-61 йилларда Тошкент Давлат университети (илгариги Ўрта Осиё Давлат университети)нинг филология факултетида таҳсил олди. Университетни имтиёзли диплом билан тугаллади. 1961-1982 йилларда Ўзбекистон Давлат бадиий адабиёт нашриётида (ҳозирги F.Ғулом номидаги) муҳаррир, бўлим мудири, бош муҳаррир ўринбосари лавозимларида ишлади. Ўзбекистонда нашриётчиликнинг равнақига ўз улушини қўшди.

1982-1995 йилларда Иброҳим Ғафуров «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг бош муҳаррир ўринбосари лавозимида ишлади. Газетанинг кенг тарқалиши, шуҳрат қозонишида ижодий ғайрат кўрсатди.

1995 йилда Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясини ташкил қилишда фаол қатнашди. Партиянинг 1995 йил 3 июнда ўтган таъсис қурултойида партия раисининг биринчи ўринбосари ва «Миллий тикланиш» газетасининг бош муҳаррири қилиб сайланди. Партия Марказий Кенгашининг 1996 йил 1 октябрда бўлиб ўтган қурултойи уни ЎзМТДП Марказий Кенгаши раиси қилиб сайлади. Иброҳим Ғафуров бу масъулиятли лавозимларда мамлакатда миллий тикланиш, мустақиллик ғояларининг кенг ёйилиши ва чуқур илдиз отиши, демократик сиёсий тафаккурнинг кучайиши учун бутун куч-ғайратини сарфламоқда.

Иброҳим Ғафуровнинг ўнлаб китоблари, жаҳон мумтоз адабиётидан қилган таржималари, ёрқин публицистик мақолалари республикада ижтимоий-маданий фикр тараққиётида ўз муносиб ўрнига эга.

Иброҳим Ғафуров «Дўстлик» ордени нишондори, Давлат мукофоти совриндори.

— «Миллий тикланиш» партиясининг фаолияти бошланганига неча йил бўлди? Унинг дастурида қандай масалалар асос қилиб қўйилган ва улар ўтган вақт ичида қай даражада ҳал қилинди?

— Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси бир гуруҳ таниқли зиёлиларнинг ташаббуси билан 1995 йил 3 июнда таъсис этилди. Орадан тўрт йилдан кўпроқ вақт ўтди, Бу йиллар ичида партия жамиятда ўз ўрни, ўз овози бўлиши йўлида интилди. Партия ўз олдига олижаноб бир мақсадни қўйди — у мамлакат ва халқимизнинг миллий тикланишига хизмат қилишга бел боғлади. Тикланиш ҳақида тоталитар мустабид тузум тарихи босқичларида ҳам кўп шовқин-суронлар кўтарилган, ҳар беш йиллик социалистик тикланишнинг бир оламшумул босқичи деб қаралар, лекин тарих ва ҳаётнинг қулгу ҳамда ўйинларини қарангки, ҳар шундай тикланиш босқичидан сўнг ҳаёт яна орқага кетар, халқнинг қашшоқлиги ортар, ижтимоий ҳаёт ўз турғунлигига янада маҳкам ўрнашар эди. Тикланиш деб аюҳаннос солиб йиллар ўтар, авлодлар ўрнига авлодлар келар, лекин мужикнинг араваси ҳамон ўз ўрнидан жилмас, ҳамон энг зарур нарсаларга эга бўлиш учун узун-узун навбатлар тугамас эди. Халқ синфий кураш, энг яхши фарзандларни душманга чиқариш ваҳимаси остида қўрқувга тобе, бир бурда нон иштиёқи ва жон омонлиги шукронасида доим таъзимкорликда бўйнини қисиб, ўз изнини маддоҳларга тўлатўкис топшириб яшарди. Не ажабки, Брежнев тикланиши ҳам — энг сўнгги советча тикланишларидан бўлиб, халқ учун эмас, батамом Брежнев учун, номи учун, шуҳрати учун, ҳокимиятпарастлиги учун, Афғонистон, Шарқий Европадаги босқинчиликларни суваш, хаспўшлаш, омма қўйнини пуч ёнғоққа тўлдириш учун ўйлаб топилган тамомила сохта, қалбаки, замини лойбалчиқ тикланиш бўлган эди. Бундай «тикланишлар»дан сўнг советнинг таназзули янада кучаяр, халқаро обрў-эътибори пасаяр эди.

Кўп тушунчалар қатори совет мафкураси ва тарғиботи «тикланиш»дек тушунчани ҳам сохталаштириб, маъносиз, маза-матрасиз, одамлар ҳеч ишонмайдиган бир нарсага айлантирган эди.

Истибдод ва унинг машинаси емирилиб, ҳаёт ўз аслий, табиий изига, тадрижий ўсиб бориш оқимига тушгандан сўнг «дўстлик», «тинчлик», «озодлик», «мустақиллик», «тенглик» сингари советчасига талқин этиб келинган мунофиқона иддаоларни ташувчи, англатувчи, пардаловчи, ниқобловчи, халқнинг имон-ишонч, эътиқодини ўғирловчи, емирувчи сўз — тушунчалар коммунистча доғули талқинлардан тамомила озод бўлди. Сўзлар, тушунчалар асл маъноларида қўллана бошлади. Истиқлол тикланиш тушунчасига ҳам асл маъносини қайтарди. У маҳв этилган, қарамлик ҳолига солинган барча халқ, қадриятларининг тикланиши — миллат ва миллийликнинг тугал тикланишини англатадиган куч-қудрат, аҳамиятга эга бўлди. Топталган маданият, топталган миллий тил, топталган тарих, топталган анъана ва удумлар, топталган маърифат ва маънавият, топталган инсон, топталган шаънушукуҳни тиклаш тоталитар ниҳоясиз зулмдан сўнг энг олий мақсадга айланди. Ўзбекистоннинг туб халқи истибдод сиёсатида энг оғир зулмни кўрди. Унинг боши зўрлаб бошқа тил, бошқа маданият, бошқа ахлоқ, бошқа мафкуранинг тоғорасига тиқилди. Истиқлол мана шу мусибатларнинг барини англаш, билиш, кўз очиш имкониятини яратди. Миллий тикланишни ҳаёт — ижтимоий борлиқнинг ўзи заруратга айлантирди. У озодликнинг ҳодисаси каби куч олди. Шу характерли воқеа- ҳодисаларнинг маҳсули ўлароқ «Миллий тикланиш» партияси вужудга келди. У ўз олдига етти катта мафкуравий йўналишда иш олиб бориш мақсадини қўйди: 1) Миллатнинг маънавий бирлиги; 2) Ватан (Туркистон) — ягона оила; 3) Кучли демократик давлат; 4) Миллий қадриятлар; 5) Илмий-техникавий тараққиёт ва умумжаҳоний интеграция; 6) Замон кишиси; 7) Миллий истиқбол.

Партия мана шу ғоя йўналишларини миллий тикланишимизнинг мазмунмоҳиятини тўлалигича акс эттиради деб ҳисоблаб, уларни ўз иш фаолиятининг марказига қўйди.

«Миллий тикланиш» газетасининг саҳифаларини варақлаган ҳар бир холис инсон биз ўтган қисқа вақт ичида бу йўналишларда қанчалар изчил, мунтазам, оғишмай, иродали иш олиб борганимизга ишонч ҳосил қилади. Ўзбекистоннинг мусаффо ҳавосида миллий тикланишнинг ҳаётбахш зарралари кезиб юраркан, у мамлакат иқлимини олтин кукунлари янглиғ янада тозартиради, ўпкаларга қувват бахш этади. Фозилларимиз тирилаверади. Маърифатпарварларимиз ўз аъмол юксакларига бизни чорлайверади (Билингки, энди уларнинг заволсиз ҳаёти бошланди. Билингки, улар халқни — халқ, Ватанни — Ватан, имонни — имон фазлига эга қилади!). Энди болаларимиз ўзимизни кўрамиз. Биз Фарғоний, Замахшарий, Амир Темур, Бухорийларнинг тикланишида ўзимизни кўрамиз. Биз қалбларнинг яшариши, илмларнинг куч олишида ўзимизни кўрамиз. Ўзбекистонда барча улуғ иш-юмушлар бизнинг ғояларимизнинг заррларидан қудрат касб этади. Биз миллий тикланишимизни шундай ҳам кўтаринки, ҳам ҳаётий, ҳам соғлом руҳли ҳодиса деб тушунамиз.

— Партиянгиз вакиллари депутат сифатида Олий Мажлиснинг биринчи чақириқ сессияларида иштирок этишди. Бу «иштирок этиш» Сизни партия раҳбари сифатида қаноатлантирадими?

— Ўткир Ҳошимов, Хуршид Дўстмуҳаммад, Рустам Жумаев каби дўстларимиз ҳаётда ҳам, парламентда ҳам қанчалар жон куйдириб ишлаганликлари эл-юртга аён. Мамлакатда ОАВ ривожига мустаҳкам замин яратган «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида», «Журналистик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида», «Ноширлик фаолияти тўғрисида», «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида», «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида» сингари бир туркум қонунларнинг дунёга келишида уларнинг тер тўкиб қилган хизматлари, аҳоли орасидаги неча ўнлаб маърифий учрашувлари, суҳбат, мулоқотлари, Олий Мажлиснинг ишчи гуруҳлари таркибида кўрсатган фаолликлари ҳар қанча таҳсинга сазовор. Буни «ишитрок этиш» деб эмас, балки ишнинг ичида бўлиш деб айтиш тўғрироқ бўларди.

— Республика Олий Мажлиси депутатлиги учун бу галги сайловларда партиянгиздан қанча номзод қатнашмоқда? Бу Сизнингча озми ёки кўпми?

— «Миллий тикланиш» партияси томонидан кўрсатилган 115 номзодимизнинг 114 тасини Марказий Сайлов комиссияси рўйхатга олди. Бизнинг партиямиз учун бу оз эмас. Олий Мажлисга, халқ кенгашларига номзод кўрсатиш сиёсий партия фаолиятининг чўққиси. Бу партиядан жуда узоқ, жуда катта тайёргарликни, ундан ҳам ортиқ масъулиятни талаб қилади. Номзод танлаш ва кўрсатиш сиёсий партия лаёқатининг энг муҳим белгиси. Партия номзодга етакчи деб қарайди, арбоб деб қарайди, Ватаннинг муроди деб қарайди. Юртнинг тақдир томирлари номзод юрагидан ўтади деб билади. Ҳақиқий номзод сайланса ҳам сара одам, сайланмаса ҳам сара одам бўлиб қолаверади...

— Сайловолди тарғиботларингизда асосий мақсадларингиз нималарга қаратилган?

— Буни бир сўз билан ифодалаш қийин. Биз ўз дастуримизни фаровонлик ва зиё, соғлом фикрлаш дастури деб атаяпмиз. Унда мамлакатимизнинг бугунги ва эртанги ҳодисаларига илмий нуқтаи назар ифодаланган. Илм эса адаштирмайди. Ҳар қандай билмаслик, хабарсизлик, қашшоқлик илмсизликдан, ақлнинг хор бўлишидан келиб чиқади. Биз ҳозирги замон кишисининг камбағал бўлишга ҳақи йўқ деб биламиз. Шунчалар имкониятлар турганда... Илм-фан миллий тикланишнинг қуроли. Бу жиҳатдан биз ҳозир балки сиёсий ишлардан кўра тарбиявий, маърифий, мафкуравий ишлар билан кўпроқ шуғулланяпмиз.

— Партиянгизнинг аъзолар сони қанча, уларнинг фаолияти Сизни қониқтирадими? Аъзолар кўп бўлгани яхшими ёки «озу соз»и дурустми?

— Аъзоларимиз сони ўн мингдан ортди. Ўзини партия билан бир жону бир тан деб ҳисоблайдиган ва ўзини ҳаётда жамият ишларида шунга яраша тутадиган кишилар партиянинг сиёсий кучи сифатида намоён бўлиши, обрў-эътибор топиши, вазифаларнинг аъло адосини таъминлайдилар. Сиёсий партиялар демократиянинг энг қудратли ва олижаноб, ўлмас механизми. Ҳокимиятнинг маърифати уларга боғлиқ.

— Маълумки, Республикамизда бешта партия мавжуд. Уларнинг ҳаммасининг мақсадлари улуғ. Бу мақсадлар уларни бирлаштириб туради. Лекин баъзан уларнинг фаолиятлари, ҳаракатлари, тарғиб-ташвиқотларида ҳам кўплаб ўхшашликлар борлиги сезилиб туради. Бундай ҳолатларда партияларнинг сонини ошириб ўтиришга зарурат бормикан? Кучларни бир жойга тўплаган яхши эмасми?

— Ҳеч ким партияларнинг сонини унча бўлсин-мунча бўлсин деб белгилаб беролмайди. Конституция доирасида юзлаб партиялар ҳаракат қилишлари мумкин. Улар ичидан ҳукмрон партиялар чиқади. Одамларнинг қизиқишлари ва манфаатлари тақозо қилишига қараб партиялар вужудга келаверади. Ахир охир-оқибатда улар миллат манфаати учун ишлайдилар-ку. Демократия миллатнинг кучини бўлиб юбормайди. Аксинча, бирлаштиради ва кучайтиради. Партиялар эса тамомила ва тугал тарзда демократия маҳсулидирлар.

— Партиянгизда қандай одамларни кўпроқ бўлишини истардингиз?

— Бизнинг миллий тикланиш ғояларимизни севадиган, уларга эътиқод қўйган. Эътиқод қилиб ишлайдиган муҳаббатли одамлар келишини орзу қиламан. Шундай одамлар бор, оз эмас ва улар кун сайин кўпайишиб бормоқда.

— Сайлов олдидан амалга оширилаётган ишлар Сизни ва партиянгизни аъзоларини қаноатлантирадими? Бу борада яна қандай ишлар қилиш керак, деб ўйлайсиз?

— Сайлов учун қўлимиздан келган қонунлар доирасидаги барча зарур ишларни қиляпмиз. Бунда ҳамма ишлар жонбозлик, фаоллик, оқиллик, миллатга қайғуриш билан бўлади.

— Сайловолди ниятларингиз ва тилакларингиз...

— Ақлли одам ишсиз қолмайди, қўл қовуштириб ўтирмайди, доим ўзи қиладиган ишни топади. Миллат яхши ҳаёт учун кўтарилиб бораётган экан, биз зиёлилар олма пиш — оғзимга туш, деб ўтирмайлик. Зотан, зиёли бу — миллат равнақи учун ҳаракатдаги одам.

Суҳбатдош
Камол МАТЁҚУБ

Теран томирлар

МИЛЛАТНИ МУҚАДДАС БИЛГАН АДИБ

ТУРКИЯДА ФИТРАТШУНОСЛИК

Ўзбек адабиётига, тарихи ва маданиятига қизиқиш жаҳон миқёсида кундан-кунга ортмоқда. Туркияда Маданият вазирлиги томонидан нашр қилинган адабиётчи олим Юсуф Овчининг «Фитрат ва асарлари» китоби фикримизга далилдир. Бунгача Хусайин Ўзбойнинг оташнафас шоиримиз Чўлпон ҳақидаги рисоласи эълон қилинган эди.

Сўнгги йилларда туркиялик ўзбек адабиёти тадқиқотчиларининг, хусусан, фитратшуносларнинг сафи янада кенгаймоқда. Хусусан, «Турк дунёси» тил ва адабиёт журналида ўзбек олими профессор И. Қўчқортоев ва туркиялик тадқиқотчи Ойнур Ўзнинг адибларимиз Абдурауф Фитрат, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Абдулла Қаҳҳор, Саид Аҳмад ҳақидаги мақолалари, асарларидан намуналар берилди.

Ўзбек адабиётининг Туркиядаги ташвиқотчиларидан бири, фан доктори Эртўғрул Ёмоннинг яқинда нашрдан чиққан «Турк дунёси ўртоқ адабиёти», «Туркиядаги турк дунёси» (ҳар икки асар Туркия Диёнат вақфи томонидан 1998 йили нашр қилинган) китобларида ҳам Абдурауф Фитрат ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот, асарларидан намуналар ўзбек тилида ва туркча таржимасида берилган.

«Фитрат ва асарлари» рисоласининг муаллифи Анқара Ғози университетида «Фитрат ва унинг тилчилиги» мавзуида докторлик диссертациясини ёқлаган. У ўз ишида ўзбекистонлик, туркиялик олимларнинг жадид адабиётига оид илмий ишлар билан бирга Парижда, Лондон ва Токиода нашр қилинган З. Олворт, Е. Каррен, Х. Қўматсуларнинг илмий изланишларига ҳам таянган. Монографияда ўзбек олимларидан Бегали Қосимов, Ҳамидулла Болтабоев, Ботир Валихўжаев, Низомиддин Маҳмудов, Боқижон Тўхлиев, Эрик Каримов, Аҳмад Алиев, Шерали Турдиев ва бошқаларнинг илмий ишларидан фойдаланганини муаллиф алоҳида миннатдорчилик билан таъкидлайди.

Юсуф Овчининг китоби сўзбоши ва илмий манбалардан ташқари, икки бўлимдан иборат. Биринчи бўлимнинг биринчи бобида Фитратнинг ҳаёти, болалигидан умрининг охиригача бўлган давр қамраб олинган. Иккинчи бобда адибнинг сиёсий фаолияти, учинчи бобда адабий, тўртинчи бобда илмий фаолияти ҳақида сўз юритилади. Иккинчи бўлимда, асосан, Фитратнинг шеърларидан, драмаларидан, ҳикояларидан, илмий асарларидан, сиёсий руҳдаги мақолаларидан намуналар ўзбек тилида лотин алифбосида ва турк тилида берилганки, бу китобхон учун қулайлик туғдириши табиий.

Асарда Фитратнинг Истанбулдаги фаолияти тўлалигича қамраб олинган, Истанбулга қандай келганининг ҳар икки варианти ҳақида сўз юритилган. Фитратшунос Ҳ. Болтабоев Фитратнинг ёзганларидан келиб чиқиб, адиб 1909 йили Одесса орқали Истанбулга келган деса, профессор Б. Валихўжаев 1910 йили Фитрат Низомиддин Урганжийнинг жияни Муқимбек билан Эрон орқали Туркияга келганини ёзади. Юсуф Овчи илмий далилларни қиёслаган ҳолда, 1909—1913-йилларда Истанбулда бўлган Фитратнинг ижодий, илмий, сиёсий фаолиятини фактлар билан тўлиқ ёритишга ҳаракат қилган. Муҳими, муаллиф Фитратнинг асл мақсадини, ички дардларини чуқур тушуниб етган. Юсуф Овчи бу ҳақда шундай ёзади: «Унинг дарди, асл теран жароҳати Ватаннинг изтироблари, фалокати эди. Шоир Ватаннинг хароблигидан, миллатнинг фақирлигидан фарёд этиб, халқнинг ҳаяжони, туйғулари таржимони бўлди. Миллатига чуқур муҳаббатини қуйлади. Миллат билан ифтихор этди ва уни ҳар нарсадан муқаддас билди».

Ўзбекистонга келиб, бу ердаги илмий манбаларни изчил ўрганган Юсуф Овчи, Фитрат асарларини турларига кўра гуруҳлаб, адиб асарлари руҳиятномасини ҳам тўлиқ кўрсатишга ҳаракат қилган. Бу эса Фитрат ижодини ўрганувчилар учун муайян қулайлик туғдиради.

Адҳамбек АЛИМБЕКОВ,
ТошДУ доценти

Муносабат

ТИЛИНГ РАВОН — ДИЛИНГ РАВОН

Жамиятимизда маънавий қадриятларга нечоғлик улкан эътибор берилаётгани тилга муносабатда ҳам яққол кўринмоқда. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилгани она тилимизнинг ҳаётда тутган ўрнини аниқ белгилаб, унинг мавқеини бениҳоя кўтарди, барча жабҳаларда тилимиз нуфузининг кун сайин ошиб боришига йўл очди. Жаҳон халқлари ўртасида мустақиллигимиз билан баббаробар тилимиз ҳам тан олина бошланди. Чинданам миллатнинг ўзлигини белгилаб дунёга танитадиган, бой маънавиятини кенгликка олиб чиқадиган ҳам она тилидир.

Шу боисдан биз бу тилимизни ҳар ёқлама етук ва мукаммал кўргимиз келади. У табиий, равон, кўркам, сермаъно, таъсирчан, қалбларга туташ, жонли бўлсин, ҳар қандай ясамалик ва ғайри табиийликдан холи бўлсин, деймиз. Тилдаги равонлик ва аниқлик диллардаги равонлик ва равшанликни келтириб чиқариши маълум. Матбуот, радио-телевидениедаги чиқишлар, анжуманларда айтилган сўзлар одамларни янгиликлардан бохабар қилиш билангина чекланмайди. Шу билан бирга тафаккурда ўзгаришлар ясаш, тил бойлигини ўстириш, талаффуздаги ғализликлар, чалкашликларни йўқотишга бебаҳо ҳисса қўшиши турган гап.

Очиғини айтганда, ўзбек тилига давлат тили мақоми бериш ҳақидаги Қонун чиққандан буён ўтган давр мобайнида тилимизнинг софлиги, кўркамлиги, энг муҳими, унинг бойлиги ва салмоқдорлиги хийла ортганини кўриб турибмиз. Шу жумладан атамалар соҳасидаги ўзбошимчаликларга барҳам бериб, уларни тартибга солинди, тилни «бойитиш» ниқоби билан ўринсиз киритилган кўпгина бегона сўзлар чиқариб ташланди.

Булар билан бир қаторда тилимиз ва унинг талаффузида айрим ноаниқликлар, чалкашликлар ҳамон сақланиб қоляптики, шулардан баъзиларини кўрсатиб ўтишни лозим, деб ўйлайман.

Бир мажлисда нотиқ таъминот соҳасида амалга оширилаётган фойдали тадбирлардан сўз очиб: «Булар тагида яхши ҳаётга эришиш ётади», дейди. Шунинг ўрнига: «Булар яхши ҳаёт яратишга асос беради» ёки «Ҳаётни яхшилашга имкон туғдиради», дейилса аниқроқ ва табиийроқ чиқмасмиди?

Газетадаги мақолада: «У тенгдошларига нисбатан анчайин новча», деган жумла учрайди. Бунда муаллиф «анчайин» сўзини ошириш маъносида ноўрин ишлатибди. Аслида «анчайин» деганда биз «шунчаки», «арзимас» дегандай камситиш (кичрайтириш) маъноларини англаймиз.

Тилимизга хос бўлмаган, нотабиий жумлалар тузишни кўрсатувчи мисолларга дуч келиб турамиз. Баъзан «халқ ишончига эришиш» дейишни «халқ ишончига кириш», «қийин аҳволдан қутулиш» деган иборани «Қийин аҳволдан чиқиш» деб, «Сўзга чиқди»ни «чиқиш қилди», деб юритишади. «Байрамни ютуқлар билан кутиб олиш» ўрнига «Байрамга ютуқлар билан келиш», дейишади. Бундай сунъий, ясама ибораларнинг келиб чиқиш сабабларини билиш қийин эмас. Булар — бизнинг узоқ вақт қўш тиллилик вазиятида яшаганимиз, гоҳо русча ўйлаб туриб, ўзбекча ифодалашга қуниқканимиз, тилимизнинг камбағаллашувига йўл қўйиб берилгани оқибатидир. Мана, ҳалқи мисоллардан яна биттаси: «Ёнма-ён туриб» ёки «Бир сафда туриб» каби аниқ ўзбекона иборалар турганда «Елкама-елка туриб» дегани-чи? Бу — «Плечом к плечу» деган русча иборанинг таржимасиқу! Шунингдек, «Ялпи теримга киришилди», деган халқона содда иборани русча «Началась массовая уборка» таъсирида «Теримга оммавий киришилди», деб қийинлаштирилади.

Баъзан мақолаларда «боқиманда» сўзи учрайди. Улар бўни бир кучнинг иккинчи кучга ёки бир гуруҳнинг иккинчи гуруҳга қарамлиги, боқимлиги маъносида қўллашади. Аслида эса «боқиманда» дегани «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да айтилгандай «қолдиқ қарз, ундирилмаган солиқ» маъноларини билдиради.

Бизда одамларга ҳурматан «Ташриф буюрди», «Ташриф буюрдилар» иборалари ишлатилади. Гоҳо буларни «Биз ташриф буюрдик», «Мен ташриф буюрдим» шаклида ишлатишадики, бу на мантиққа ва на камтарликка тўғри келади. Об-ҳавога нисбатан ишлатиладиган «салқин» сўзини сувга татбиқ этиб, «салқин сув» дейишлари кулгилидир. «Ташкил этиш» иборасини «Ташкиллаштириш», «Ғоятда севаман»ни «Бағоятда севаман» деб ишлатиш, «ўқишли китоб» ўрнига «ўқимишли китоб» дейиш ҳам ўз-ўзидан ноўринлиги кўриниб турибди.

Юқорида айтилганидай, тилимиздаги атамаларни тартибга солишда бир қанча ижобий ишлар қилинган бўлса-да, баъзи ўринсиз атамалар ҳеч қандай заруратсиз сақланиб келмоқда. Масалан, «институт» атамаси ўрнида «олийгоҳ», «билимгоҳ» сўзлари ишлатиляпти. Қатор шарқ тилларига кириб кетган «Университет», «факультет» сўзлари ишлатилиб турганда «институт» атамасини қўлламасликка асос бормикан?

Ўзбек тилида халқимизнинг бой тарихи, маданияти, маънавий тараққиёт даражаси, урф-одатлари ўз аксини топган. У жаҳондаги энг бой, гўзал тиллардан эканлиги ҳаммага аён. Уни чанг-ғуборлардан буткул тозалаб, хусни-камолини бор бўйича намойиш этиш борасидаги саъй-ҳаракатларимизни асло сусайтирмасдан, изчил давом эттиришимиз керак!

Ҳаким НАЗИР
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Учрашув

САНЪАТКОРНИНГ ЎРНИ

Таниқли актёр Диас РАҲМАТОВ портретига чизгилар

Ҳаётда ҳар кимнинг ўз ўрни бор. Ота-она, ака-ука, тоғажиян, қўйингчи, лавозим, мавқе дегандек...

Лекин санъатда, хусусан, театр ва кино соҳасида ўз ўрнига эга бўлиш ҳар кимга ҳам насиб қилавермайди. Зеро, бу жабҳаларда ижодий рақобат ҳамиша устивор эканлиги ва умуман «бу майдон ичра турмоқлик»нинг ўзи бўлмаслиги ҳеч кимга сир эмас.

Назаримда, таниқли актёр Диас Раҳматов ана шу майдон ичра ўз ўрнини топган ва мустаҳкам эгаллаб бораётган санъаткорлардан бири. Зеро, Диас Раҳматов ўзига топширилган ролни тез ўзлаштириб, унинг ўзига хос ва мос қирраларини топа оладиган ва қиёмига етказиб томошабинга ҳавола эта оладиган актёр.

Турган гап, бунинг ўзи бўлмайди, албатта. Бунинг учун аввало худо берган иқтидор, билим ва катта тажриба керак. Не бахтки, Диас акада буларнинг барчаси бор. Ўзи айтмоқчи: «Умуман олганда, истеъдоди йўқ эмас»... Яна ўзи айтмоқчи: «Ҳар эҳтимолга қарши ... билими ҳам етарли...» Учинчиси — тажриба масаласига келсак, яна ўзига хос ҳазил билан айтилганда «Гап йўқ!...»

Диас Раҳматов ҳозирги Маннон Уйғур номидаги Санъат институтининг театр ва кино актёри факультетини тугатганига роппа-роса 40 йил бўлди. У моҳир педагог С. Гутинович курсида таълим олган.

1957 йили, ҳали талабалигидаёқ Ҳамза номидаги академик драма театрида машҳур режиссёр А. О. Гинзбург саҳналаштирган Муҳаммад Дибнинг «Жазоир — менинг ватаним» асарида Идрис ролини ижро этиб, катта санъаткорларнинг назарига тушган.

Шундан кейинги фаолияти ҳам отахон театр билан боғланди ва кўп ўтмай республика Ёш томошабинлар театрига, ундан кейин Ю. Ражабий номидаги Жиззах вилоят театрига ишга ўтди...

Буларнинг барчаси бир қараганда «қўнимсизликдек» туюлиши мумкин. Аслида ёш актёр ўзини, ўз саҳнасини, ўз ролларини излаётган эди. «Санъатдаги ўз ўрнини» десак, буниси энди анчайин баландпарвоз гапдек кўринади.

Ҳар ҳолда, Диас Раҳматов табиатидаги тиниб-тинчимаслик ва бесаранжомлик унинг фаолиятига ҳам ўз таъсирини кўрсатган дейилса, тўғрироқ бўлади.

Шундай қилиб, 1967 йили у собиқ Ўзбек давлат филармониясига, машҳур эстрада хонандаси Ботир Зокиров раҳбарлигидаги ансамблга конферансье бўлиб ишга келди.

Диас ака ўша йилларни алланечук қониқиш билан эслайди. Ижодий сафарлар, концертлар, учрашувлар, томошабинлар билан юзма-юз мулоқот... Гоҳ ўзи, гоҳ ҳамкасби, таниқли кулги устаси Ҳасан Йўлдошев билан бирга чиқишлар...

Халқимизда «Одамнинг боши — сойнинг тоши, не-не сувлар оқмас устидан», деган гап бор. Ана шу матални «Санъаткорнинг боши — сойнинг тоши...» дея ўзгартса ҳам бўлаверади. Негаки, бошқаларнинг битта умри, битта тақдири бўлган бир пайтда актёр ўнлаб ҳаётда, ўнлаб тақдирлар билан яшайди.. Буёқда бўлса, ўзининг ҳам шахсий ҳаёти бор, бола-чақа, иш, ташвиш дегандек...

1967 йили Диас Раҳматов ҳаётида ана шундай — ҳам кутилган, ҳам кутилмаган ҳодиса юз берди. Таниқли дубляж режиссёри Собит Саидов уни «Кавказ асираси» номли кинокомедияга овоз бериш учун таклиф қилди.

«Кутилган ва кутилмаган ҳодиса», дейишимизнинг боиси шундаки, Диас ака бундан олдин ҳам, аниқроғи, 1959 йили Борий Ҳайдаров томонидан дубляжга таклиф қилинган эди.

Бу сафаргиси энди мутлақо кутилмаган ва айни чогда омадли бўлди. Чунки, «Кавказ асираси» филмидаги машҳур комик актёр Георгий Вицин ижро этган Валакисаланг ролига овоз бериш учун чақирилган актёр Садир Зиёвуддинов касал бўлиб қолган ва шунинг учун унинг ўрнига Диас Раҳматовни синаб кўришмоқчи экан...

Синов кутилмаганда муваффақиятли чиқди. Диас Раҳматов Вицин яратган образга шундай овоз бердики, таърифига сўз ожиз. Худди Вицин ўзбек тилида гапираётганга ўхшарди. Шундай қилиб Г. Вицин роллари эндиликда Диас аканики бўлиб қолди. Томошабинлар «Санников ери» номли ажойиб саргузашт филмни ҳам эсласалар керак. Ундаги Г. Вицин ижро этган лапашанг хизматкор образи ҳам, «Ғирт ёлғончи» филмидаги Тютюрин ҳам ўзбек томошабинларига Диас Раҳматов овози орқали етиб келди.

Грузин кинематографчиларининг «У замонлар ўтди, кетди» филмидаги князнинг малайи Тохтаиа-чи? Каттаю-кичик севиб томоша қиладиган машҳур мултфилм қаҳрамони Барон Мюнхаузен ҳақида-ку, гап ҳам бўлиши мумкин эмас! «Омадли жентелменлар» комедиясидаги Савелий Крамаров ижро этган Федяни, «Майор «Бўрон» телесериалидаги Виктор Павлов ўйнаган Коляни ўзбекча «гапиртирган» ҳам Диас ака бўлади.

Диас Раҳматовни бемалол серқирра истеъдод соҳиблари қаторига қўшиш мумкин. У театрлар саҳнасида ҳам роллар ижро этган, ўнлаб машҳур филмлар дубляжида овоз берган, тез-тез «ойнаи жаҳон»да Телеминиатюралар театри кўрсатувларида чиқиб туради, «Табассум» радиожурналининг эса доимий иштирокчиларидан бири.

Лекин, барибир, Диас акани ўзига хос актёр сифатида элга танитган соҳа кино десак, муболаға бўлмаса керак!

Дафъатан ҳаммасини эслаш қийин албатта. Лоақал «Келинлар қўзголони» комедиясидаги тўнғич ўғил Ўринбойни эсланг! «Армон» филмидаги Қўзивой, «Ўғриям одам»даги Ота, «Қутурган итларга шикор»даги Соқов, жуда бўлмаганда «Майсаранинг иши» комедиясидаги гадолар шоҳи — Кўр гадойни кўз олдингизга келтиринг!

Бу образларнинг ҳар бири бир дунё. Бу оламдаги қаҳрамонлар бир қараганда бир-бирига анчайин яқин, жиндек қўрқоқ ва айёр, камтар ва хокисор, содда ва муғамбир кўринса-да, аслида бундай эмас. Уларнинг ҳар бирининг ўз ҳаёти, ўз тақдири бор... Диас Раҳматов эса худди ана шу нозик қирраларни топа олди ва томошабинларга етказа билди.

Шундай қилиб, Диас Раҳматов санъатда «ўз ўрнини топа олган санъаткор» дейиш мумкин. Мабодо, бу гапни Диас аканинг ўзи эшитса, «Йўғе, қуйсанглар-чи!» дейиши табиий. Нимаям дейсиз, Диас аканинг ўзи ҳаётда шунақа, камтарин, камсуқум. Ортиқча мақтовларга ҳуши йўқроқ...

Агар «Сиз зўр актёрлардан бирисиз» дея таъкидлайверсангиз, лабларини чўччайтириб, кўзларини пирпиратиб қўяди ва кейин бир бурда юзига табассум ёйилиб, «мюнхаузенча» оҳангда дейди: «Ҳмм.. Да-а... Умуман олганда, гапингизда жон бор, йигитча!... Буни бошқаларга ҳам айтиб қўйишни унутманг!...»

Эшитишимча, Диас ака айни пайтда қандайдир филмга овоз бераяпти, яна қандайдир картинада суратга тушаяпти ва аллақайси интермедияга тайёргарлик кўраяпти...

Назаримда, ана шунинг ўзиёқ санъаткорнинг сурати ва сийрати ҳақидаги юқорида фикрларимизнинг исботи бўла олади. Шундай эмасми!.

Эркин УСМОНОВ



Усмон АЗИМ

АЛПОМИШ БЎЛАЙ ДЕСАНГ

Элбек бахши Алпомишликни орзу қиладиган йигитлар даврасида шундай қўшиқ айтган экан:

Бойчиборда учмасанг —
Алпомишлик қайдадир?
Ёр изидан тушмасанг —
Алпомишлик қайдадир?
Ойбарчинни суймасанг —
Алпомишлик қайдадир?
Айриликда куймасанг —
Алпомишлик қайдадир?
Барчиндай ёр йўқ эрса —
Алпомишлик қайдадир?
Дилингда зор йўқ эрса,
Алпомишлик қайдадир?
Элим деб от сурмасанг —
Алпомишлик қайдадир?
Душман узра юрмасанг —
Алпомишлик қайдадир?
Қиличу ёй тортмасанг —
Алпомишлик қайдадир?
Чоҳда чириб ётмасанг —
Алпомишлик қайдадир?
Оринг йўлдош бўлмаса —
Алпомишлик қайдадир?
Элинг қўлдош бўлмаса —
Алпомишлик қайдадир?
Тилингда чин сўз йўқма —
Алпомишлик қайдадир?
Қоражондай дўст йўқма —
Алпомишлик қайдадир?
Дўстларинг дов бўлмаса,
Алпомишлик қайдадир?
Қалмоқдай ёв бўлмаса —
Алпомишлик қайдадир?
Қўнғиротдай эл бўлмаса —
Алпомишлик қайдадир?
Шоирлар сел бўлмаса —
Алпомишлик қайдадир?
Қисматинг дуд бўлмаса —
Алпомишлик қайдадир?
Бойсиндай юрт бўлмаса —
Алпомишлик қайдадир?
Марднинг дили бўлмаса —
Алпомишлик қайдадир?
Ўзбак тили бўлмаса —
Алпомишлик қайдадир?
Кўнгил йўллаб турмаса —
Алпомишлик қайдадир?
Худо қўллаб турмаса —
Алпомишлик қайдадир?...

Қайдадир-о, қайдадир,
Саволларим қайтадир?
Шоир кўнглим бу сўзни,
Болам, сенга айтадир.
Чангалинг тоғни ушлаб,
Қумдай қилиб совурган.
Юрагингнинг зўридан
Қисирлайди қовурғанг.
Алпомишлик ҳавасдир —
Жонинг элники, болам.
Душман кўрса титратган
Кучинг шерники, болам.
Алпомиш бўлай десанг,
Дунёга бир кўз ташла.
Кўнглинг тўлса, худо де,
Алпомишликни бошла.
Насиҳатим ёдда тут,
Элимга эҳсон болам.
Худодан омад тила,
Ўзингга ишон, болам...

* * *

Бойсиндан Қалмоққа кетарда Бойсарибийнинг қавмида Бовир бахши деган бир шоир бор экан. Шу шоир кета кетгунча, Қалмоққа етгунча айриликдан айтиб, барчани йиғлатиб борган экан. Бовур бахшининг шу айтганидан худо менинг кўнглимга солгани бу турур:

— Ота-бобом яйраган,
Отларини бойлаган,
Тошларини кўрса-ям
Дил булбулдай сайраган —
Бойсинимдан айрилдим.

Дўстга очган эшигим,
Йўргаги, ҳам бешигим,
Айриликда изиллаб
Йиғлаётган қўшиғим —
Бойсинимдан айрилдим.

Кўкка етмас ноламдир,
Бойсин энам, боламдир.
Ҳар бир томчи ёшимиз
Икки бирдай оламдир —
Бойсинимдан айрилдим.

Тушга кирсам кечалар
Элимда юрган нечалар,
«Бойсин» десам соғиниб,
Умрим қандай кечалар —
Бойсинимдан айрилдим.

ЭСЛАСАНГ

«БАХШИЁНА»ДАН

Ёруғ ойларим, хайр,
Узун сойларим, хайр,
Киндик қони тўкилган
Эна жойларим, хайр —
Бойсинимдан айрилдим.

Гўр бўлдимма дош бўлиб,
Тўкиламан ёш бўлиб,
Асқартоғда қолайин
Худо урган тош бўлиб —
Бойсинимдан айрилдим.

Ғафлат ақлим олгандир,
Айриликка солгандир.
Жасадим борар, жоним
Отдан тушиб қолгандир —
Бойсинимдан айрилдим.

Юрдим гоҳ ҳуш, гоҳ беҳуш,
Сўз айтсам титрар товуш.
Бойсин менга бир тушдир,
Мен ҳам Бойсинга бир туш —
Бойсинимдан айрилдим.

* * *

Қалмоқда чоҳда ётган Алпомишни энаси Кунтуғмишбека шундай чорлаган экан:

Йўқлилигингга, Алпоним,
Кўниб-кўниб бораман.
Кўниб-кўнган ғамингда
Ўлиб-ўлиб бораман.
Ой ботди—қайтиб келди,
Кун ботди—қайтиб келди.
Чиқмас юртга кетди деб —
Ой сендан айтиб келди...
Жаъми эна меҳрига
Тенг чақирдим келмадинг.
Дунё каби ўкриниб,
Энг чақирдим келмадинг.
Синглинг елдай бўзлади —
Ёшга оқиб товуши.
Ҳижрон сени қўймади —
Оёғингга қопишиб.
«Болам» деди бий отанг —
Титраб тоғдай кўкайи.
Сени озод этмади
Айриликнинг тўқайи.
«Ота» деди Ёдгоржон,
Кўздан ёшдай узилди.
Бузилмади тош зиндон,
Магар дунё бузилди.
«Ёрим» деди Ойбарчин —
Ҳар тун юлдуздай учди.
Тақдир қўймади сени —
Тошликдан ошиб қучди...
Кўз олдимдан кетмайди,
«Элим» деган келбатинг.
Энди сени чақирар
Бойсин-Қўнғирот — элатинг.
Болам, тезроқ овоз бер,
Тугаб бормоқда достон.
Юрт чақирса келишинг,
Аниқ эди-ку, Алпон...
Магар тириксан — зиндон
Борлигидан сўз айтма.
Юрт чақирса, келмасанг,
Болам, ҳеч қачон қайтма...

* * *

Ойбарчиннинг Алпомиш билан қурган ғойибона суҳбати бу турур:

Тангрим агар йўл берса,
Чоҳлар текис бўлгайдир,
Бойчиборга минасан —
Бахтинг тўкис бўлгайдир.
Алпомишим, қайтасан —
Жонда сабр қолди деб.
Бойсинга ҳамма дарддан
Фақат жабр қолди деб.
Воҳ, қуллар подшоҳ бўлди,
Юрт бетақдир қолди деб.
Мен ўлмасдан юртимда
Элим сағир қолди деб.
Отангни эслагайсан,
Энангни эслагайсан.
Жонинг танингга сиғмай,
Отингни тезлагайсан.
«Бойсин» деган дамингда
Тилингни эслагайсан.
Чўлларда туя боққан
Синглингни эслагайсан.
Тулпоринг тез—тенграндга
Олам айланар, бегим.
Кўздан учган ёшингда
Боланг айланар, бегим.
Юрти хорда ор бўлса,
Уялмайди—бўзлайди.
Кўзларидан ёшини
Тиёлмайди—бўзлайди.
Бегим, бизнинг ўртамиз
Етти йилки, кесилган.
«Юртим» десанг, юрт сифат
Тушаманми эсингга?
Соғиндингми, кўнглингда
Номус-орча бўлдимми?
Етти йил орни ушлаб,
Юртдан парча бўлдимми?
Бегим, мени эсласанг
Дилга тўлгайми тутун?
Барибир мени эсла —
Юртинг бўлгуси бутун.

Муҳаббат ШОМУРОДОВА

БАХТУ МУҲАББАТДАН ОРЗУЛАР БИЧДИМ

Қизим Наргисга Америкадан

Йироқдаман, болажон,
Тақдир измида,
Кўзларим самода —
Ойларда аксинг.
Ўйим ором олар
жону жисмингда,
Ҳаётим, борлиғим
изимингда сенинг.
Йўлимга чироқсан,
Осмонимга — ой,
Кўксимга ғурурсан,
Бахтимга — Ҳумой.
Баҳоримга бўйсан,
Ёзга — камалак,
Меҳримга чашмасан,
Энг эзгу тилак.
Дўстимга қалқонсан,
Душманга — камон,
Чеҳрамга кулгусан,
Фикримга — забон.
Мусофир юртларда
Армоним сенсан,
Ватанга бошловчи
Карвоним сенсан.

. . . га

Бахту муҳаббатдан орзулар бичдим,
Вафолардан сенга тўқидим рўмол.
Иболар дарсини сипқориб ичдим —
Барчаси пойингда бўлдилар увол.

Ачинмайман ёлғиз ўтар бошимга,
Дуолардан бунёд садаға умрим.
Минг афсус сени деб тўккан ёшимга —
Хас ва Хиёнатни алишиб қўйдинг.

***

Сизга шеър атадим армонли тунда
Армон азобидан бағрим тўлғона.
Лекин бу шеърнинг-да тақдири аниқ —
Қалбимдан жой олур, кўчмас забона.

Болишим дафтару кўз ёшим —сиёҳ,
Куюк азобидан эрур тим қора.
О, Тангрим, ул банданг бунчалар суюк —
Шеър тили ёт эрур, қилмас минг пора...

ИЗҲОР

Мен учун илҳом бир
ёввойи қушча,
Ўзим бир ҳаваскор,
сайёд эмасман.
Фалакдан бошимга то
кўнмагунча
Шай турсин тузоқ ё
камон демасман.
Идрок ва қалбимни
титгач тонггача,
Ул мискин навони
оққа кўчиргум.
Қушчамни авайлаб,
сўрмай қонини
Тавозе айлабон
кўкка учиргум.

ИЛТИЖО

Ёлғондан кўрқардим, нечук,
Ё Раббим,
Рўёси ёқамни ушлатиб кетди?
Туҳматдан чўчирдим, айтган
дардларим
Айланиб ўзимнинг бошимга
етди.
Майли, бахт сўровдим сендан,
Баҳорим
Ўзгалар бахтига термулиб
ўтди.
Бандангга вафолар тиловдим,
бироқ,
Вафосизлар яна паймонга етди.
Нолиш дема, Тангрим,
таъна ҳам эмас,
Тавбам, менинг, кичик шукронам
холос.
Мен осий қадрига етмаган ўшал
Ҳаётим лаззати — умид қайтса
бас!

ҚАДИМ ШЕЪРИЯТ ЙЎЛЛАРИДА

Нигоҳ

Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ дейдилар. Йигирманчи, ўттизинчи йилларда ҳам ватанимиз, миллатимиз тақдирини ўйлаб, ёниб, куйиб ижод қилган Авлоний, Беҳбудий, Фитрат, Чўлпон, Усмон Носир каби шоирларнинг номини шўролар истибдоди халқ хотирасидан ўчиришга тиш-тирноғи билан ҳаракат қилдилар. Аммо, иймон-инсофли, сабр-бардошли халқимиз бу табаррук номларни, уларнинг ижодини унутмади; уларга меҳр-муҳаббатини қалб тўрида авайлаб сақлади.

Ҳозирги ўзбек шериятининг энг яхши намуналарини бунёд этаётган истеъдодли шоирларимиз бўшлиқ жойда эмас, ана шу Истиқлол фидойиларининг ҳаётбахш заминида униб, ўсиб вояга етмоқдалар.

Миллий Истиқлол даврида ижоди гуркираб, яшнаган шундай истеъдодли шоирларимиздан бири Асқар Маҳкамдир. Унинг «Ҳақ» номли тўплами қардош Тожикистоннинг «Адиб» нашриётида ўтган йили чоп этилгани халқларимиз ўртасидаги азалий дўстликнинг ширин мевасидир.

Аттор, Румий, Навоий ижоди булоқларидан сув ичган Асқарнинг кўпчилик шеърлари ва достонлари тасаввуфга хос маънавий изтироблар ва изланишлар руҳи билан, адолат, ҳақиқат, эзгуликка ташналик ва Ҳаққа муҳаббат руҳи билан суғорилган, табиийдир. Шоирнинг «Ҳақ» тўпламидан ўрин олган «Ишқ» достони ўтмишдаги азиз-авлиёларнинг номларини зикр қилиш, такрорлаш билан чекланиб қолгандай кўринса-да, ҳар ҳолда асар эҳтирос билан ёзилгани сезилади. Кейинги достонларида Асқарнинг бадиий тафаккури янада теранлашади.

Асқар Маҳкам шериятимизга 80-йилларнинг ўрталарида ўзига хос овоз билан дадил кириб келган шоирлардан. Ушбу фикримизга шоирнинг «Наврўз», «Тазарру», «Таважжуҳ», «Ишқ», «Ибодат» каби шеърий тўпламлари, айниқса унинг «Ҳақ» деб номланувчи янги шеърий мажмуаси яққол мисол бўла олади.

«Ҳақ»даги шеърлар билан танишар экансиз, дастлаб содда бўлиб кўринган шеърлар аста-секин сизни мураккаблик сари етаклайди, шеърлардаги сўз билан рассомона чизилган ранглар, манзаралар тобора қуюқлашиб бораверади. Инсон тақдирининг моҳирона чизилган мураккаб манзаралари, ҳолатлари ҳар қандай шеърият мухлиси ёки мутахассисини бефарқ қолдирмаса керак.

Тўплам бошидаги шоирнинг бувиси Нигорбибига ёзган шеърий мактублари Сергей Есениннинг онасига ёзган мактубларини эслатса-да, манзаралар мутлақо шарқона чизилган:

***Бувигинам**
***бормисан омон?**
***Омонмисан**
***намчил тонгларда?**
***Оёқларинг оғрирми ҳамон**
Мўрисимон номозшомларда?

Асқар ўзига хос фикрлайди, сўз юритади, шу тахлит ўз услубини яратишга интилади. У оддийгина қилиб «қоп-қора тунларда» демайди, балки фавқулодда тасодифий образ яратиб «мўрисимон номозшомлар», дейди. Шеърда давом этиб шундай ёзади:

***Тушларингда кўрасан кимни,**
***қизарганда уфқлар лаби?**
***Ёстиғингга чўккан бошингни**
мен севаман шу Ватан каби.

Она-ватан деймиз, Ватанни онага менгзаймиз. Асқар ҳам онани, тўғрироғи, бувисини Ватанга қиёслайди, лекин у қадим гапни ҳақиқий шоирона, образли қилиб айтади. Балки унинг шоирлиги ҳам шундадир. Шоир шу йўсинда ўз услубини шеърдан шеърга шакллантириб бораверади. Бундай ёрқин образли манзараларни унинг «Кампирлар» деб номланган шеърида яққолроқ кўришимиз мумкин.

«Таважжуҳ» достонини шоир муқаддас Ҳаж сафари вақтида қалбидан кечган Ҳақ-таолога муножоти билан бошлайди! Бу муножотдаги охирги сўзлар ҳам, аввалги сўзлар чин дилдан чиққан. Солиҳ ва комил банда бўлиш жуда-жуда машаққатли йўлларнинг охиридир. Унгача ҳам биз етишолмайдиган бир баланд манзил борки, бу — одам бўлишдир. Комиллик, Инсоф, Навоий айтмоқчи, Сулаймон пайғамбарнинг адолатли вазири Осаф каби, осмонга чиқиб кетган, уни Ер юзидан топиш қийин...

Достон бошланишида она-юртига сиғмаган Бобур изтиробларини сезамиз: **«Топмадим илоҳий чорраҳаларда орифлар карвонин сарбонларини, Жаҳоний хирмонни тўнди ўғрилар, Сичқонлар кемирди девонларимни...»** Бу — Куйбишев, Фрунзе даврида оёқости қилинган, Ўтда ёқилган, сувга оқизилган нодир қўлёзмаларни хотиримизга келтиради. Достон лирик қаҳрамони Бобурнинг мана бу ноласи ҳам бизни ҳаяжонга солади, халқ қисмати ҳақидаги тизгинсиз ўйларга ғарқ қилади: **«Топмадим, дедимки: «Эй, Ой, эй бева, сени ҳам никоҳлаб олдиларми, айт! Махлуқлар яралди одам шаклида, Хокипо мозорлар узра оқибат. Топмадим, кўрғонлар соҳиби қани? Ёпдилар кўнгиллар қопқосин қулфлаб. Сен кимга керексан, эй бесоҳиб жон? Кимники, истадинг... кетдилар туфлаб... Топмадим, шоҳлардан кейин бешоҳлар эшакдек миндилар тилло тахтларни, бир карра зинодан бўлган болалар Бир карра зинога сотди халқларни...».** Бу мисралар асрлар қаъридаги ҳақиқат дарахтларининг аччиқ меваларидир.

Шоир шўролар даврида яхшилар қувғин ва қатл қилинганини, дину иймонига, виждон, эътиқодига хиёнат қилган нафс бандаларини бундай таърифлайди: **«Эй, вужуд қуллари, фано итлари. Косаи дайрни тўнтаринг бутқул, Бул коса қаърида тўзғиган чангу, сиртида тўзғиган бир зарраи кул. Эй, вужуд қуллари, фано итлари, Руҳингиз гавҳарин пок тутинг баддан».** Бу ерда достоннинг лирик қаҳрамони билан, ўтмиш замонларга сафар қилган шоирнинг олам ва одам моҳияти ҳақидаги фалсафий ўй-кечинмалари туташиб кетганлигини кўрамиз.

Шоир ҳаяжонлари табиий ва самимийдир. У, ҳаяжонли мисраларни оқ саҳифага тўкар экан, имло қоидаларга ҳам риоя қилмайди. Бу ҳам кечирарли, аммо гоҳида имлони инкор қилиш маъно бузилишларига ҳам олиб келади. Жумладан, шоир «Ҳақиқат даштида зикр тушганда Оллоҳнинг ялангоч оч бандалари» дер экан, «ялангоч ва оч бандалар» салбий маъно касб этиб қолади. «Девона руҳ» сўзларида Ҳақ ишқида ўзлигини унутиб, девона бўлган ошиқларни тушунамиз. Мана шу яхши маънодаги «девона руҳидан ажраган» сўзлари ҳам салбий маъно касб этиб қолади.

Шоир инсониятнинг энг оғир дарди, иллати, фожеаси бўлган қирғин урушларни қаттиқ қоралар экан, Бобур ана шу ҳодисани қандай кўрганини рангин бадиий манзараларда тасвирлайди: **«Лашкарлар жон берар фалакка боқиб, қалқондан оққан қон ой юзин белар... Фалакда юлдузлар камайган сайин Заминда кун сайин кўпаяр гўрлар. Қон юқи қизғалдоқ бўлиб гуллайди лашкарлар жисмига тўймаган замин. Кафанлик келтирар оппоқ тумандан Далалар бағрига фаришта субҳлар Ул шаъмнинг шуъласи инган дилларда шамширлар тиғидек улғаяр руҳлар...»** Достондаги «Мирзо Бобурнинг қазо ва қадар ҳақида ўйлаганлари», яна «Мирзо Бобурнинг муроқабаси», «Мирзо Бобурнинг ватан ҳақидаги ўйлари», «Мирзо Бобурнинг улусга арзи», «Мирзо Бобурнинг фано ва бақо ҳақида ўйлаганлари», «Алишер Навоийга мактуби», «Шайбонийхонга мактуби», «Пири шайх Ҳикматиллоҳ ибн Зиёдуллоҳга мактуби» каби бобларнинг мазмунидан кўринадики, муаллиф ўз асарида нодир тарихий шахс — саркарда, шоир ва шоҳ Бобурни файласуф, етук мутафаккир, Ҳақ даргоҳига яқин авлиё сифатида кўрсатишни мақсад қилган ва бу мақсадига етишган.

Китобдан яна «Тўрт дарвеш» шеърий қиссаси, Мирзо Бедилдан айрим таржималари, «Ҳақ» туркумидаги шеърлари ўрин олган.

«Ҳақ» сайланмаси бир ўқиб ташлаб қўядиган китоб эмас. Ундаги айрим шеърларни ва достонларни китобхон вақт топиб, қайта-қайта ўқиши, шоирнинг баъзи фикрлари ва ғояларига эътироз билдириши мумкин. Аммо китобхоннинг ана шу эътирозлари ҳам — маънавий, маърифий, ахлоқий юксалишга хизмат қилади.

Китобга сўнгсўз ёзган АБдуллоҳ Зуҳур шоир ижодининг теран илдизларини таҳлил этиб, шоир ижодининг асосий оҳангларини топиб айтади: шоир назарида «одамнинг одамийлиги, фуқаронинг фуқаролик, фарзанднинг фарзандлик садоқати даражасини белгилаб турган ўлчов — иймондир. Иймонсиз нокаслар ҳар қандай сотқинликка, хоинликка, хунрезликка қодир каслардир. Улар вазиятга қараб, ҳеч бир иккиланиб ўтирмасдан қилични «Қуръон»га ва «Қуръон»ни қиличга алмаштираверади». Чиндан ҳам Афғонистонда ва Тожикистонда ана шундай нокаслар дастидан жафокаш халқ бошига кулфат ва бахтсизликлар ёғилмоқда. Шундай экан, шоирнинг барча инсонларни иймон-инсофга, адолат ва ҳамжиҳатликка чақириши хайрли ишдир.

Маҳкам МАҲМУД,
Нормўмин ОЧИЛ

Ўзбек романи: кеча ва бугун

АФСОНАВИЙ СУҚРОТНИ ИЗЛАБ

Ёзувчи Омон Мухтор ўзининг изланишлари билан замонавий ўзбек романчилигига самарали ҳисса қўшмоқда. Унинг бир неча қисса ва романлари ўқувчиларга яхши таниш. Айниқса, адибнинг кейинги йилларда яратган «Эгилган бош», «Минг бир қиёфа», «Ффу» каби асарлари китобхонлар томонидан илиқ кутиб олинди.

«Омон Мухтор романлари шакл-шамойили, сюжет тузилиши, ифода тарзига кўра янгича; уларда замонавий жаҳон романчилиги тажрибаларини ёдга туширувчи хусусиятлар талайгина», деб ёзганда munaққид У. Норматов тамомила ҳақ.

Ёзувчининг «Афлотун» номли романи («Шарқ юлдузи», 1997, 5-сон) тарихий мавзуга бағишланган бўлиб, муқаддима ва тўрт қисмдан иборат: Арафа (муқаддима ўрнида), Одамлар ва соялар, Бегона ҳаёт, Муҳаббатнинг Саройи, Дунё тасодифларга тўла.

Романдаги воқеа-ҳодисалар реал ҳаёт, объектив борликдан кўра кўпроқ қаҳрамонларнинг хаёлида, онгида кечади. Қаҳрамонлар руҳиятида реаллик билан хаёлотнинг туташувидан иборат ғаройиб дунё, ҳаётнинг ўзига хос бадиий шакли яратилади. Натижада у дунё билан бу дунё орасидаги чегара йўқолади. Ҳаёт ва хаёл ўртасидаги Суқрот нисбатда туташтирувчи қаҳрамон вазифасини ўтайди.

Муқаддимада ёзувчи буюк файласуф олим Суқрот ва Критон ўртасидаги ривоятни келтиради. Маълумки, Суқрот ҳайкалтарош Сафронискнинг ўғли, ўз эътиқоди учун суд қилиниб, қатл этилган инсоният тарихидаги биринчи олим эди. Ривоят суҳбат-баҳс услубида берилади. Қолаверса, кейинги қисмларда ҳам Суқрот ҳақида ривоятлар орқали бутун асар руҳини белгилашга ҳаракат қилади.

Асар давомида муаллиф ўқувчини Суқротни излашга даъват этади. Суқрот ўз замондошлари учун ҳам, Навоий ва унинг замондошлари ҳамда бугунги ўқувчи учун ҳам идеал шахс, орзусидаги олимдир.

Роман қаҳрамонларидан бири Усмон сувсизлик, ташналик азобидан қийналаётган, чўлда кетаётган одамларни қутқариш мақсадида биринчи учраган қудуққа тушишга жазм қилади. У қудуққа тушганда лаган атрофида бир неча киши кўр тўқиб ўтиришади. Усмон улардан ташналикдан азоб чекаётган қудуқ тепасидаги одамлар учун сув сўрайди, даврадагилар сув керак бўлса Рауфни излаб топишни тавсия қилади.

« — Сен Рауфни изла. Шунда сув йўли очилади! — дейишади мис лаган атрофидагилар, муроса қилгандек оҳангда.

— Рауф ким? Қайси Рауф?!

Усмон нега бу одамни излаши керак?! Қаердан, қандай излайди?!»

Усмонни қийнаган ана шундай саволлар, албатта, ўқувчини ҳам қийнайди. Воқеа-ҳодисаларга синчиклаб қаралганда, ҳаёт ҳақиқати ўзгача шаклда тавсиф этилганига амин бўласиз. Бир қарашда, тартибсиз туюлган сюжет қирраларидан теран маъно англайсиз. Романдан Рауфнинг кимлигини излайсиз. Ҳақиқатан ҳам «Рауф ким?» деган савол ўқувчини изланишга ундайди. Бу изланиш жараёнида ёзувчининг ўзи «ёрдам»га келади ва китобхонга Рауф бу — асримиз сиймоларидан бири, улуғ олим ва адиб Абдурауф Фитрат экани маълум бўлади.

«Дунёда ягона эзгулик — билимли бўлиш, ягона душманлик жаҳолатдир», деган эди Суқрот. Асардаги Рауф образини ҳам ёзувчи ўзбек халқининг 20-аср Суқроти даражасига кўтаришга ҳаракат қилади.

Омон Мухтор асарида айрим тарихий шахслар номлари асл ҳолида берилса, айримлари ўзгартириб берилади. Шу маънода ёзувчи Рауф образи орқали, асримиз бошларида туркий халқларнинг ижтимоий ҳаётида муҳим роль ўйнаган, маърифатпарвар, жадидчилик ҳаракатининг асосчиларидан бири Абдурауф Фитрат сиймосини яратишга ҳаракат қилади. Фитрат ҳам Суқрот каби жаҳолат инсоният душмани, ягона илм инсоният дўсти деб билган алломалардан эди.

Ёзувчи Суқрот ва Рауф тақдиридаги ўхшашликларни асар воқеа-ҳодисаларида бир-бирига боғлаб бермоқчи бўлган, лекин айрим ўринларда унинг бу нияти ижобий самара бермаган. Чунки ўқувчи кўз ўнгида гоҳ афсонавий Суқрот гавдалантирилиб, марказий қаҳрамон сифатида кўрсатишга ҳаракат қилинса, гоҳ маърифатпарвар Рауф образи тасвирдаги Суқрот билан алмашинади.

Романда гарчи яқин ўтмиш воқеаларидан сўз очилса-да, уни ҳужжатли асар деб бўлмайди, чунки қаламга олинган воқеа-ҳодисалар тўлалигича, батафсил ёритилмайди. Айрим лавҳалардагина жадидчилик ҳаракатининг вакилларини, улар фаолиятининг айрим қирраларини учратамиз.

Асарда Рауф билан боғлиқ айрим лавҳаларни Фитрат ҳаётидаги тарихий фактлар билан қиёслаш мумкин:

Омон Мухтор Рауф ва Файзулло Хўжа ўртасидаги муносабатни тарихий факт асосида ёритади. Барча тарихий фактларда ва илмий адабиётларда Фитрат ва Файзулла Хўжаевларни Бухоро жадидчилик ҳаракатининг асосчиларидан бўлганлиги таъкидланади. Қолаверса, улар яқин дўст бўлишган. Шу ўринда Суқротнинг сўзларини эслайлик: «Ҳаётда кўп нарсалар кераксиз, уларсиз яшаш мумкиндай». Асримиз бошларидаги маърифатпарвар жадидлар учун ҳам кўп нарса керак эмас эди. Уларга миллатнинг, халқнинг озодлиги, фаровонлиги, мустақиллиги керак эди, холос. Жадидлар шу йўлда ўз жонларини фидо қилдилар. Миллат тақдири учун курашни ўз эътиқоди деб билдилар.

Афлотуннинг маълумотига кўра, Суқрот икки марта уйланган, учта фарзанди бор. У ўз эътиқоди йўлида қатл қилинган. Қамоқдалик пайтида, ўз ўлимини кутиш баробарида Лира чалишни ҳам ўрганган. Ҳаётда Суқрот каби файласуф олимлар миллатнинг фахри, халқнинг келажаги ҳисобланишган. Лекин улар ўзлари яшаб ижод этган жамият учун доимо бегона бўлишган. Романдаги Рауф ҳам ана шундай шахслардан ҳисобланади.

Асарнинг сюжет линиясида асосан Суқрот ва Рауф каби файласуф олимлар ҳаракат қилса-да, улар атрофида Усмон, Саид, Собир каби қаҳрамонлар ҳам қатнашадилар ва бу қаҳрамонлар Рауф характерини, фикр ва туйғулар дунёсини кенгроқ, ишончлироқ қилиб тасвирлашга имкон беради.

Суқротга «Афиналиклар сени ўлимга маҳкум қилдилар» дейишганда, «Табиат уларнинг ҳаммасининг устидан ҳукм чиқарган», деб жавоб берган.

«...Сизлар, афиналик жаноблар, бироз шошдинглар. Шаҳримизга ғайрлик билан қарайдиганлар Сизлардан энди айб излашади: ном қозонган мутафаккир Суқротни ўлдирдинглар, деб юзларингга қора суркашади. Мен балки мутафаккир ҳам эмасдирман, лекин улар буни таъкидлаб, сизларнинг бўйниларингизга тавқи лаънат осишади», дейди Суқрот.

Инсоният тарихидан шу нарса аёнки, Суқротга ўхшаган файласуф, мутафаккир олимларини замондошлари тириклик чоғларида ҳурматини жойига қўйиб, улардан миллат тараққиёти йўлида фойдаланишни ўйламайдилар. Халқ, миллат ана шундай илм оламида даҳога айланган кишиларни ўлимидан кейин қадрлаб ўрганган. Оқибатда маънавият дунёлари қашшоқлашиб, тараққиётдан орқада қоладилар. Табиат миллатни шу йўл билан жазолайди. Халқ устидан мудҳиш ҳукм чиқаради. Суқрот ҳам ўз эътиқоди йўлида қатл этилади.

Ёзувчи асримиз бошларидаги жадидларнинг фожиавий тақдирини Рауф воситасида Суқротнинг ўлими билан боғламоқчи бўлади. Маълумки, асримиз бошларида миллатпарварлик, маърифатпарварлик ғояларини билан ҳаракат бошлаган жадидларни мустабид тузим йигирманчи йилларнинг бошлариданоқ, ҳар хил фитналар билан ўлдириб, (Беҳбудийнинг ўлимини эсланг), миллатчи сифатида қоралай бошлади.

30-йилларга келиб «миллатчилар» «халқ душмани»га айланди. Айримлари Сибир ўлкаларига сургун қилинган бўлса, айримлари қатл этилдилар. Халқ эса, ўз миллатининг фидойи кишиларини сақлаб қололмади.

«Рауфни қаердан, қандай топиш мумкин?! Тўхта! Балки халқ душмани бўлиб, ўз маҳри — мамлакатидан олиб кетилган, отилган, осилган, қабри номаълум (гўри-кафани йўқ) минг-минглаб жафодийдаларнинг сўнгги адабий шаҳримамлакатидир бу? Рауф шулардан бири бўлса, яна-уни қаердан, қандай топасан?!»

Маълумки, 30-йилларда жадидлар билан мулоқотда бўлган, уларнинг асарларини ўқиган кишилар «дум» сифатида қатағонга учраган эди. Бунга кўплаб мисолларни келтириш мумкин.

Ёзувчининг ушбу риторик саволларига ҳамоҳанг равишда биз ҳам романдан улуғ адиб Абдурауф Фитратнинг аниқ сиймосини излаймиз. Худди сарсон қаҳрамон Усмон каби романдаги ҳар бир лавҳадан Фитрат ҳаёти билан боғлиқ маъно кутамиз... Зеро, Омон Мухтор каби истеъдодли адибларнинг изланишлари сабаб бўлиб, ўзбек насрида ҳам улуғ олим ва адиб Фитрат сиймоси ўзининг тўлақонли аксини топса ажаб эмас.

Абдусамад ТЎЙЧИЕВ,
Ўзбекистон Жаҳон тиллари университети аспиранти

РЕСПУБЛИКА БОЛАЛАР САНЪАТ ФЕСТИВАЛИ НИЗОМИ

1. ФЕСТИВАЛНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИ:

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, «Ўзтелерадиокомпания», «Ўзбекнаво» гастрол-концерт бирлашмаси, «Камолот» жамғармаси, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларнинг тегишли бошқарма ва бўлимлари ҳамкорликда ўтказаётган Республика 1-болалар санъат фестивалининг асосий мақсади ўзбек халқининг юксак маънавий фазилатларини, маданий анъаналарини тарғиб этиш ва камол топтириш, истеъдодли ёш ижодкорларни излаб топиш ва уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, халқимизнинг бебаҳо маданий мероси бўлмиш мусиқа, қўшиқчилик, рақс, тасвирий ва амалий санъатни, халқ ҳунармандчилиги анъаналарини ёшлар орасида кенг тарғиб этиш, уларнинг ушбу санъат турларини эгаллашларига шарт-шароитлар яратишдан иборатдир.

Ушбу фестивал «Нақадар гўзал ва обод Ватаним» шиори остида ўтказилади.

Фестивалнинг очилиш маросими 1999 йил 29 декабр — «Президент арчаси» байрами кунида, тантанали ёпилиш маросими эса 2000 йилнинг 1 июнида Халқаро болаларни муҳофаза қилиш кунида ўтади. Фестивал низомга мувофиқ босқичма-босқич «Туркистон» концерт саройида ўтказилади.

2. ФЕСТИВАЛНИНГ АСОСИЙ ШАРТЛАРИ:

Фестивалда 7 ёшдан 15 ёшгача бўлган мусиқа, са́нъат, умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари, бадиий ҳаваскорлик тўгараклари қатнашчилари иштирок этадилар.

Иштирокчилар қуйидаги санъат йўналишлари бўйича ўз асарларини намойиш этишлари мумкин:

— мусиқа санъати,

— яккасоз ижрочиси ва ансамбл ижрочилари (Миллий соз ва Европа чолғу асбоблари);

— қўшиқчилик санъати

(Барча шаклларда ва йўналишларда);

— рақс санъати. (Якка ижро ва ансамбл ижрочилари);

— тасвирий, амалий санъат ва халқ ҳунармандчилиги.

Фестивал иштирокчилари биринчи навбатда ёшларга бағишланган асарларга эътибор беришлари лозим. Ёшлар ўз асарларида дўстлик, муҳаббат, гўзаллик, она табиатни авайлаб-асраш, истиқлол ва ватанга фидокорлик туйғуларини тараннум этишлари керак.

ФЕСТИВАЛНИНГ УМУМИЙ ҚОИДАЛАРИ.

Фестивалда иштирок этишни истаган ёш ижодкорлар, ўқувчилар, мусиқа ва ўрта мактаб бадиий ҳаваскорлик тўгараклари қатнашчилари вилоят ва шаҳар саралаш босқичларидан сўнг ҳужжатларини икки нусхада 2000 йилнинг 15 январигача Ташкилий қўмитага топширишлари керак. (Манзил: Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси-2уй, «Туркистон» концерт саройи, тел: 34-00-43).

ФЕСТИВАЛ ИШТИРОКЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА:

Фестивал иштирокчилари қайси босқичда ва қачон ўз асарларини намойиш этишларини фестивалнинг ташкилий қўмитаси аниқлайди ва иштирокчиларга хабар беради.

Фестивалнинг ҳар бир босқич ғолибларига ташкилий қўмита таъсис этган мукофотлар ва дипломлар топширилади.

Фестивал доирасида иштирокчилар учун таниқли санъат усталари иштирокида концертлар, устоз санъаткорлар билан учрашувлар ва суҳбатлар уюштирилади.

Фестивалнинг ҳар бир босқичи ва унинг ижодий тадбирлари Ўзбекистон ойнаи жаҳони орқали намойиш этилади.

Қатнашчиларнинг фестивалдаги иштироки билан боғлиқ харажатларни тавсия этган ташкилот, ҳомий ёки ўқиш жойи ўз зиммасига олади.

Ташкилий қўмита фестивал иштирокчиларини жой билан таъминлайди.

(Маълумотлар учун тел: 34-00-43).

ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА

ЎТ БАЛОСИДАН САҚЛАНИНГ

Барча фалокатларнинг асоси, кўп ҳолларда, одамлардаги лоқайдлик ва эҳтиётсизликдан келиб чиқади. Шундай ҳоллардан энг даҳшатлиси — бу, ёнғиндир. Шу маънода аҳолида ёнғиндан эҳтиёткорлик ҳиссини кучайтириш ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш алоҳида аҳамиятга эга. Ана шу мақсадда йилда икки бор пойтахтнинг гавжум жойларида огоҳлантириш тадбирлари олиб борилади.

6 ноябр куни навбатдаги огоҳлантириш ишлари Шайхонтоҳур туман 5-ҳарбийлашган мустақил ўт ўчириш қисми томонидан ўтказилди. Қисм ходимлари 500 га яқин «Ёнғин оқибатлари» мазмунидаги фотосуратлар, эслатмаларни аҳолига намойиш этдилар. Ёнғин хавфсизлиги, эҳтиёкорлик ҳақида маърузалар ўқидилар. Шунингдек, аҳолини Германиянинг «METC» фирмаси томонидан ишлаб чиқарилган ўт ўчириш автомобиллари, ёритиш ва ўт ўчириш техникаси билан таништирдилар. Ёнғинни ўчириш бўйича жанговор ҳолатлар амалда, жонли тарзда кўрсатилди. Ўйлаймизки, бу каби тадбирлар аҳоли хушёрлигини оширишга хизмат қилади.

Дилдора ЗУВАЙТОВА,
ТошДУ 2-курс талабаси

Анвар ОБИДЖОН

ВАШИНГТОНГА БЕШИК КЕРАК!

Қўлимдаги фотосуратни бефарқкина кўздан кечиргач, дастурхоннинг бир четига қўйиб, чой ҳўплашга тушдим. Ҳа, суратда умуминсоний бир ҳол — ёш ота ширинтой фарзандини бағрига босиб, ичидан тошаётган қувончини табассумида изҳорлаб турибди. Мактабдош дўстим Шермуҳаммад дастурхонга қиялаб, олисда туғилган неварасининг суратига балки юзинчи марта энтикиб тикилаётганда, телефон жиринглаб, қўшни хонага югургилади. Унинг овозини эшитиб турибман, яна кимдир табриклаяпти.

— Қуллуқ, қуллуқ, — дея жавоб қила бошлади у. — Ҳа, ўғил невара кўрдик. Бугун суратиям келди. Тўлпоқ, пешанаси дўнг... Раҳмат, илойим айтганингиз келсин...

Дастурхон четидаги суратга қайтадан кўз ташладим. Бу гал негадир юрагим «жиз-з» этиб кетди. Жилмайиб турган ёш отага синчиклаб тикилар эканман, юрагим баттардан ҳаприқди. Мен бу йигитчани унинг бағридаги чақалоқдек пайтидан биламан, лекин кўзларига ҳозиргидек зеҳн солмаган эканман. Ахир бу кўзлар менга болалигимдан таниш-ку! Уста Ўринбой бувانинг кўзлари-ку бу! Во ажаб!

Полосонлик Ўринбой бува донгдор уйчи уста, қўли гул сандиқчи бўлсада, деҳқончилик уни ўта довруғдор қилди, боғбонлик эса жамиятдан фахрли жой топиб, эл ичида янада ҳурмат қозонишига сабабчи бўлди. У қурган уйлар, дала шийпонлари саноқсиз, қишлоғимиздаги ёши элликдан ошиб бораётган собиқ келинчакларнинг ярмидан кўпи шу уста ясаган сандиққа суяниб кўрпа қовишади. Олтмишинчи йилларда Олтиариқ бозорида биринчи бўлиб «сандиқчи ота»нинг бодринглари пул чақирарди, у етиштирган помидор кўчатлари тезда қўлма-қўл бўлиб кетарди.

Баъзи эринчоқлар битта одам қандай қилиб шунча ишга улгуриши мумкинлигини тасаввур қилиши қийин. Бироқ, Ўринбой бува юқоридаги «кўргиликлар» етмаганидек, боғбон ҳам эди. Маҳалла аёллари ўртасида аразлашганларни муросага келтиришга усталиги билан эъзоз-эътиборда бўлган кампири Хосият отин иккаласи ўз ҳовлисини боғдорчилик бўйича тажриба институтига айлантиришган эди десам, озгина оширворган бўламан холос. Мевалар-нинг энг эртангисини ҳам, энг кечкисини ҳам фақат шу боғдан топиш мумкин бўлгани боис, бу хонадон Қувирбоши маҳалласи болаларининг алоҳида диққат марказида турарди. Бунинг устига, ўрмалай бошлаган бола борки, барининг исмини алҳамдидек ёдлаб олган уста бува улардан борини аямаслиги айни муддао эди. Бунга харидорларни «жигарим»лаб аврайдиган тилёғлама Қосим-қассобнинг бир ҳикояси далил бўлсин.

Ўринбой бува ёғ идишини кўтариб, ҳовлисидан беш юз қадамча наридаги дўконга қараб бораётса, иккита болачоқ йўлини тўсиб, янги пишган гилосдан олиб беришини сўрай бошлашибди. Шунда у, дўконга етишига атиги юз қадамча қолганига қарамай, болаларни эргаштириб уйига жўнабди ва кўп ўтмай, дўппига гилос солиб олган «ошналари» билан чақчақлашган куйи қайтиб келибди. Бундан ҳайратланган Қосим ака, аввал дўкондан ёғни олиб,



бу тирмизакларни кейин гилосхўрликка олиб борсангиз ҳам бўларди-ку, деса, уста бува, дўконда бирорта улфатим гапга тутиб узоқ қопкетсам, болалар ноумид кетвормасин дедим-да, деб жавоб қилган экан.

Кейинчалик уста бува қишлоқ катталарига гирдикапалак бўлиб юриб, икки жойда тўққиз гектарликдан боғ барпо этганида ҳам, балки, биринчи навбатда фариштадил болалар қувончини ўйлагандир. Балки, юртимиз мустақилликка эришгач, собиқ «Советская» кўчасига уста буванинг номи берилишида эндиликда хонадон бошлиқларига айланиб улгурган ўша болакайлар алоҳида жон куйдиришгандир...

Суратга бошқатдан тикиламан — Ўринбой буванинг невараси Шухратбек менга бобосининг кўзлари билан қараб турибди. Ўша саховатли қадоққўл чолнинг ғайрату мурувватга йўғрилган қонидан шаклланиб, молиячи ота ва ўқитувчи она оиласида тарбиялланган бу йигитча янги замоннинг манглайи ёруғ ёшлари орасидан бирин-кетин парвоз қилиб чиқаётган юзлаб, минглаб «умид қалдирғочлари»дан бирига айланди. Фарғонадаги чет тилига ихтисослашган 2-ўрта мактабни кумуш медал билан, Буюк Британиядаги Ноттенгем Тренд университетини имтиёзли диплом билан битириб, республика Миллий банки, сўнг республика марказий банки бошқаруви раисининг ёрдамчиси, кейинчалик бўлим бошлиғи бўлиб ишлаган Шухратбек ҳозирда Вашингтонда жойлашган Жаҳон банкида юртимиз вакили, ижрочи директор ёрдамчиси лавозимида фаолият кўрсатмоқда.

Уруш ва меҳнат фахрийси Маҳмуджон Дадажонов Шухратбекка она томондан опоқ отадир. Яқинда қишлоққа борганимда, Боткендаги воқеалардан изтироб чекиб, ёшларимизни огоҳликка, аҳилликка чорлаш борасида кўнглида йиғилиб турган гапларини Фарғона радиосида баён этиб қайтаётган чоғида у билан учрашиб қолдик. Гап айланиб, «америкалик» неварага тақалди-ю, чолнинг бирдан дили яшнаб кетди:

— Бошқа томонларини айтиб ўтирмай, битта мана шу нарса учун мустақилликнинг садақаси кетай. Қаранг-а, яқиндаям ўзбеклар уқувсиз деб, арзимаган мутахассисларни ҳам бизга Москвадан жўнатишарди. Етмиш йилдаям кўкармай турамиз-а. Мана, юртимиз ўзимизга қолиб, ўн йилга етмасданоқ, ҳамма нарсани ўзимиз уддалаяпмиз-ку. Агар озодликка эришмаганимизда, неварамга йигирма олти ёшида шунақа масъул ишни ишониб, ким Америкага юбориб қўярди? Аввало, жуда узоқни ўйлаб, ўта дангаллик билан катта-катта ишлар қилиб келаётган Президентимизга минг раҳмат. Қани, қўлингизни очинг, илойим Юртбошимиз менга ўхшаб саксон тўртга кирганида, қилган улуғ ишларининг роҳатини кўриб, ўзи отадай бўлиб тарбиялаган мана шундай ёшларимизнинг елкасида ардоқланиб юрсин...

Ҳа, истиқлол айниқса ёшларимиз олдида барча имконият эшикларини кенг очди, иқтидорлиларнинг чинакам куни туғди. Серфарзанд оиланинг бошлиқлари болалари орасидан лоақал биттаси «ўткир» чиқишини, бошқаларини ёниқиб-жониқиб етаклаб кетишини орзу қилади. Шунга ўхшаб, мамлакатнинг умиди ҳам, илинжи ҳам мағзи тўқ ёшларда. Фарзандлари камолоти учун, улар имкониятларини тўлароқ намоён эта олишлари учун барча зарур шарт-шароитлар яратиб беришдан ҳеч нимасини аямайдиган юртнинг келажаги ҳақиқатанам буюкдир. Ишқилиб, ўз навбатида, ёшларимиз ҳам бундай эъзозларнинг қадрига етадиган, эл-юрт ғамхўрликларини чуқур ҳис этгани сайин, масъуллиги шунча ошадиган оқил фарзандлар бўлиб етишсин. Уларга ҳатто охирги кулчасини беришга тайёр меҳнатчиларимизнинг битта нонини лоақал бир яримта қилишга астойдил жон куйдирадиган ҳамда такаббурлик, ўзимбўлайлик, молпарастлик каби иллатлардан холи, элпарвар ва иймонли инсонлар бўлиб улғайишсин.

Истиқлол қалдирғочлари

Шуларни мулоҳазалар эканман, Шухрат Ўринбоевнинг олдинги ишхонасидаги ҳамкасблари — департамент бошлиғи К.Янгаев, раис ёрдамчиси О.Комилжонов, бир қатор тенгдош дўстлари билан қилган суҳбатимдаги сўзлар ёдимга тушди:

— Шухрат ниҳоятда интизомли, йиғинчоқ, зийрак. Айниқса, ҳужжат тайёрлаш, расмийлаштиришнинг устаси.

— Унинг учун иш соати деган нарса йўқ. Топширилган ишнинг битишини иш вақтининг тугаши деб тушунади.

— Шухрат тўғрисўз, камтарин, покизафеъл. Ахлоқ-одоби даражасини эса, биринчи устозининг отаси ҳурматига ўғлига Мақсуд деб от қўйганидан билиб олаверинг...

Қўлимга суратни олиб, бу гал ёш отанинг оғушидан парвозга талпинаётган митти Мақсудга диққатимни жамлаб кўз қадайман. Умри ер тимдалаш билан ўтиб, қуриш ва яшнатиш иштиёқида яшаган ҳотамфеъл боғбон чолнинг чевараси ўз тенгдошларига қараб: «Бутун Ўзбекистонни боғ қиламиз!» — дея ҳайқиришга шайланаётгандек туюлди.

ВАҚТ АЁВСИЗ ЎТИБ БОРМОҚДА...

Уфқда думли кометани оддий кўз билан кўриш ўзбекистонликларга яна бир неча асрдан кейин насиб этади.

Таниқли эстрада юлдузи Юлдуз Усмонованинг анъанавий баҳорги концертлари салкам 4 ойдан кейин бошланади.

Севимли футбол командамиз «Пахтакор»нинг чемпион бўлишига, бу ўйнашида, яна уч-тўрт қовун пишиғи бор.

Самарқандда ўтказилаётган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг навбатдагиси, худо хоҳласа, 2001 йилда бўлади.

XX асрнинг тугашига яна 414 кун бор.

Ажабтовур қилиқлари билан ҳам машҳур бўлган боксчи Тайсоннинг навбатдаги жангги кейинги йили ўтказилади, деган хабарлар бор...

Устоз Ғафур Ғуломнинг рамзий чевараси бўлмиш Абдулла Турдиевнинг «Танланган асарлар»и қачон босмахонага топширилади — бу ҳам ҳозирча маълум эмас. Бордию бу қувончли воқеа шоирнинг 80 йиллигига бағишланадиган бўлса, олдинда ҳали салкам ўттиз йил турибди.

Хуллас, ҳали вақт бор. Фақат бир нарсада шошмоқлик керак, азизлар. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталигига обуна бўлиш муддати кун сайин қисқариб бормоқда. Бор-йўғи уч ҳафта қолди, холос.

Ҳали вақт бор экан, дея бепарво бўлиб, имкониятни қўлдан бой берманг. Обунани эрта расмийлаштирганларга газета ҳам эрта етиб боради.

Нашр кўрсаткичларини эслатиб ўтамиз:

— якка шахслар учун — 222 — ташкилотлар учун — 223

САНЪАТГА БАХШИДА УМР



Агар биров Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Азим Азизовдан «Бордию мўъжиза юз бериб, ёшлигингизга қайтиб қолсангиз, қайси касбни танлаган бўлардингиз?» деб сўраса, санъаткор, шубҳасиз, салкам қирқ йилдан бери сидқидилдан меҳнат қилиб келаётган санъат соҳасини, деб жавоб қайтарган бўларди.

Азим ака раҳбарлик қилган машҳур «Баёт» ансамблини мухлислар яхши эслашади. Республика ўқувчилар саройида ташкил этилган «Чаман» намунали болалар хор дастаси, Ибн Сино номидаги маданият марказида фаолият кўрсатаётган «Умид» болалар фольклор-рақс дастаси мамлакатимизда бадиий ҳаваскорлик ижодиёти ривожига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Бу дасталарнинг ёш санъаткорлари халқимиз санъатини бир неча хорижий мамлакатларда ҳам намойиш этмоқдалар. Яна бир неча кундан кейин «Умид» дастаси ижодий жамоаси Ҳиндистоннинг Деҳли шаҳрида ўтказиладиган халқаро болалар театр-рақс фестивалида қатнашиш учун жўнаб кетишади.

Узоқ йиллик самарали меҳнати давомида кўплаб иқтидорли шогирдлар етиштирган Азим акага янги ижодий парвозлар тилаймиз.

ЎЗБАЛЛИК МАСКАНИ

Тўёна

Республика тасвирий ва амалий санъат лицей-интернати мамлакатимизда ажойиб анъаналари билан шухрат топган тарбия ва таълим масканларидан бири ҳисобланади. Ушбу даргоҳда республикамизнинг турли гўшаларидан келган 600 нафарга яқин ўқувчилар таълим олмоқдалар. Уларнинг ҳар бири мусиқа, рангтасвир, ҳайкалтарошлик каби нафис санъат олами билан ошно ва ҳунар ўрганишга чанқоқ шогирдлардир.

Ўзбекистон Бадиий академияси ихтиёрига ўтгандан кейин мазкур билим даргоҳида катта ўзгаришлар рўй берди. Ёш ижодкорларни янада баркамол қилиб тарбиялаш, улар орасидан энг истеъдодли болаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида аввало моддий-техник база мустаҳкамланди. Бадиий академия мутахассислари маслаҳатлари туфайли ижод майдони анча кенгайди, турли танлов, кўргазмалар ташкил этиш учун шарт-шароитлар вужудга келди.

— Лицейимиз, — дейди унинг директори Сомий Содиқов, — илгари ўрта махсус санъат мактаб-интернати деб номланарди. Биласизми, бу даргоҳ 70 йиллик тарихга эга. Аслида у 20-сонли болалар уйи негизида ташкил топган. Лицейимизда ўтган йиллар давомида, айниқса, Ўзбекистонимиз истиқлолга эришгандан кейин ёш авлодни ҳар томонлама тарбиялашда катта тажриба тўпланди.

Лицей синфлари, компьютер хоналари, фойелардаги тасвирларни кўздан кечириб, киши ўзини сержило гўзаллик оламида ҳис қилади. Бир гўшадан безавол оҳанглар янграса, бошқасида кўзни қамаштирувчи ҳайкалларни, мафтункор натюрмортларни кўриб завқланасиз. Кулолчилик, наққошлик намуналарини кўриб, миллий ҳунармандлигимиз анъналари давом этаётганлигига яна бир карра ишонч ҳосил қиласиз.

Ўқувчилар орасида республика ва халқаро миқёсдаги кўргазмалар, танловлар ғолиблари оз эмас. Ўтган йили Республика болалар ижодиёти марказида мазкур лицей ўқувчиси Ойбек Исломовнинг кўргазмаси бўлиб ўтди. Ёш рассом асарларини Алишер Мирзаев, Тоҳир Миржалилов каби академик рассомлар юқори баҳоладилар.

— Ойбек, — дейди ифтихор билан Сомий ака, — Лозанна шаҳрида бўлиб ўтган тасвирий санъат бўйича халқаро танловда ҳам қатнашиб, олтин медал олиб келди. Резида Собирзянова эса Ҳиндистоннинг Шанкар шаҳрида ўтган болалар ижодиёти танловининг совриндоридир. Яна бир шогирдимиз Алишер Отабоев чизган расмлар АҚШда чоп этилган албомларнинг саҳифаларидан жой олган. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Мусиқачиларимиз эса маҳаллалардан бошлаб республика миқёсидаги байрам тадбирларида фаол қатнашиб келмоқдалар.

Албатта, бундай муваффақиятларда тажрибали мураббийлар Даврон Муҳитдинов, Фаина Дерова, Геленя Вовченко, Людмила Субботина, Рустам Неъматов, Нина Мазанова, Ақида Абзалова ва бошқаларнинг хизматлари катта. Лицейнинг 15 нафар собиқ талабаси бугун шу ерда ўқитувчи бўлиб ишлаяпти. 15 га яқин ўқитувчилар Ўзбекистон Бадиий академиясининг аъзосидир.

Энг муҳими, лицей-интернатда таълим-тарбия олган шогирдлар бугунги кунда юртимизнинг турли гўшаларида фаолият кўрсатиб, шухрат қозонганлар.

Ҳа, болага бу дунёнинг ранг-баранглиги ва бойлигини нафақат кўра билишни, балки тасвир эта олишни ҳам ўргатишдан ортиқроқ эзгу мақсад бўлмаса керак! Республика тасвирий ва амалий санъат лицей-интернат ходимлари мана шу эзгу мақсадни рўёбга чиқаришга интилиб, муваффақиятларга эришмоқдалар.

Шоҳаҳҳор САЛИМОВ

Янги томоша

«СЕҲРЛАНГАН ТАҚДИР»

Абдулҳамид Мажидий номидаги Каттақўрғон ўзбек давлат драма театрида ёзувчи Ёрқиннинг «Сеҳрланган тақдир» деб номланган эртаги асосида спектакл яратилди. Икки қисмдан иборат бу спектаклни бош режиссёр Равшан Ёриев саҳнага олиб чиқди. Мусиқа муаллифи Бекмурод Рустамов асар руҳига мос оҳанглар яратишга ҳаракат қилган. Бош ролларни Мўътабар Ёриева, Отабек Мардонов, Даврон Қодиров, Мўмина Абдурашидова, Қундуз Усаров ижро этмоқдалар.

М. КАРИМОВА

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
НОШИР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ

Ўзбекистон АДАБИЁТИ ва САНЪАТИ
ÖZBEKISTON ADABIYOTI VA SANATI 1999 йил
Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 133-52-91
Танқид ва адабиётшунослик, санъат бўлимлари: 136-56-48
Назм-наср бўлими: 136-56-50
Ижтимоий бўлим: 136-55-78

Бош муҳаррир Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.
Навбатчи муҳаррир — Маҳмуд БЎРОНОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй
Босишга топшириш вақти—21.00. Босишга топширилди 19.30.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 24. Буюртма Г. — 0904. Ҳажми — 3 босма табоқ. Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ
СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН

Тиражи—8840.